



milliy tiklanish

www.mtgazeta.uz | fb.com/milliytiklanish.gazetasi | t.me/milliy_tiklanish_gazetasi

1995-yil 10-iyundan chiqq boshlagan www.mt.uz \ milliytiklanish2022@gmail.az

КИНЕМАТОГРАФИЯ
агентлиги нега
норози?

4с

СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ИНСОН
ТАФАККУРИНИНГ МАХСУЛИ, ЛЕКИН...



3с

БАНКЛАРДАГИ
омонатлар
химояси
кучайтирилмоқда

3с



ПАРЛАМЕНТДА

ҳукумат ҳисоботи эшитилди



”

Рақамлар, кўрсаткичлар салмоқли, натижалар ишончли. Аммо айрим вазирлик ва идоралар ана шу натижалар ва уларнинг моҳияти ҳақида аҳолига ахборот беролмаяпти.

«Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси йиғилиши ҳамда қуйи палатанинг навбатдаги ялпи мажлиси мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ муҳим масалалар ҳамда одамлар манфаатига хизмат қиладиган қонун лойиҳалари кизгин муҳокама қилингани билан алоҳида аҳамият касб этди.

2с

≡ «MILLIY TIKLANISH»



≡ АНОНСЛАР

3 саҳифа

Халқаро тажрибада ҳам омонатларни қафолатлаш бўйича турли миқдорлар белгиланган. Масалан, бу Озарбайжонда 17,7 минг доллар, Россияда 14,4, Туркияда

14

минг доллар тарзида белгиланган. Бизда эса бу миқдор 15,6 минг долларга тенгдир.

ДЕПУТАТ НЕГА ТЎПОЛОН ҚИЛДИ? 6с

МАДАНИЯТ ВАЗИРИ ОЗОДБЕК НАЗАРБЕКОВ
ФРАНЦИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФАВКУЛОДДА ВА
МУХТОР ЭЛЧИСИ ОРЕЛИЯ БУШЕЗ БИЛАН УЧРАШДИ



Учрашувда Франциянинг Off Avignon фестивали ҳамраиси Харолд Давид ҳам иштирок этди. Учрашув давомида Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги маданият соҳасидаги алоқаларнинг жорий ҳолати, уни ривожлантириш, хусусан, 2025 йилда Францияда Ўзбекистон маданияти кунларини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий масалалар, Ўзбекистон вакилларининг 2025 йилда Off Avignon фестивалида иштироки муҳокама қилинди. Франциянинг ушбу фестивали 1966 йилда машҳур Авиньон фестивали доирасида ташкил этилган оммавий дастур сифатида келиб чиққан ва ҳозирда дунёдаги энг йирик сахна санъати фестивалларидан бири ҳисобланади. Ушбу ижодий лойиҳада жонли ижро устувор ўрин эгаллайди. Учрашув давомида томонлар 2025 йилги Авиньон халқаро театрлар фестивалида илк бор Ўзбекистон ёш томошабинлар театри иштирок этиши, 2026 йилда мазкур фестивалда Ўзбекистон фахрий меҳмон давлат сифатида иштирок этишига келишиб олди.

Н.УСМОНОВА, ЎЗА



“Бобур каби
севгин Ватанни”

Андижон давлат техника институтида буюк шоир ва олим, давлат арбоби Захириддин Мухаммад Бобур таваллудининг 542 йиллигига бағишланган “Бобур каби севгин Ватанни” деб номланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда институт профессор-ўқитувчилари, бобуршунос олимлар, ёзувчи ва шоирлар, талабалар иштирок этди. Тадбирда Абдулхамид Чўлпон жамоат фонди раиси, ёзувчи ва шоир Орифжон Мелиев, институт доценти, Республика маърифат тарғиботчилар жамияти аъзоси Акмалжон Эрматов ва бошқалар сўзга чиқди. Бобурнинг ҳаёти, фаолияти, бой ижодий мероси, маданият, диний ва дунёвий илм-фан тараққиётига улкан ҳисса қўшган асарлари, уларни ҳар томонлама ўрганиш, тарғиб этиш хусусида гапирди. Айниқса, Бобур мукаммал шахс, гўзал хулқ-атвор эгаси, шижоат, ҳалоллик, вафодорлик, сабр-тоқат, ҳиммат, адолат, раҳм-шафқат каби юксак фазилатлар соҳиби сифатида ўз даврининг энг илғор кишиларидан бири, қўллаб-қувватловнинг ҳурмат-эътирофига сазовор бўлганлиги алоҳида таъкидланди. Тадбир давомида ижодкорлар, иктидорли талабалар томонидан Бобурнинг ғазал ва рубойларидан намуналар ўқилди, санъаткорлар ижросида Бобур ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар қуйланди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА



«КЕЛИНЧАК»ЛАР...

4-5с

ҒОФИЛ БЎЛМАНГ, БУ ЭРМАК ЭМАС!

Беҳбудийнинг қайтиши 7с

ПАРЛАМЕНТДА ХУКУМАТ ҲИСОБОТИ ЭШИТИЛДИ

Рақамлар, кўрсаткичлар салмоқли, натижалар ишончли. Аммо айрим вазирлик ва идоралар ана шу натижалар ва уларнинг моҳияти ҳақида аҳолига ахборот беролмаяпти.



«Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси йиғилиши ҳамда қуйи палатанинг навбатдаги ялпи мажлисида чиндан ҳам иқтисодий-ижтимоий ҳаётимиз билан боғлиқ муҳим масалалар ҳамда юрtdошларимиз манфаатига хизмат қиладиган қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон–2030» стратегиясини «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2024 йил якунлари ижроси муҳокамасида «Миллий тикланиш» депутатлари фаол иштирок этдилар.

Хукумат ҳисоботида қайд этилишича, дастурда ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитлар яратиш борасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, таълимни янги босқичга кўтариш, қамровни ошириш мақсадида 96 та янги давлат мактабгача таълим ташкилоти фаолияти йўлга қўйилди, жами боғчалар сони 6 915 тага, нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари сони эса 31 140 тага етказилди. Натижада қамров даражаси 76 фоизга етди. Йиғилишда 2024–2025 ўқув йилидан бошлаб, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги олис ва чекка ҳудудларда жойлашган 100 та мактабнинг 10 643 нафар ўқувчиси учун бепул мактаб автобуслари катнови йўлга қўйилгани таъкидланди.

тизимига улангани ва қолган 8 896 та мактаб хандақлардан фойдаланаётгани аниқланди. Кейинги йилларда миллий иқтисодиётимиз драйверига айланаётган туризмни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратиляпти. Ҳисобот дарида тадбиркорларнинг 6,5 триллион сўм миқдоридagi сармояси билан 24 минг ўринли меҳмонхоналар ишга туширилди. 2025 йилда меҳмон ўринлари яна 30 мингтага ошиши, 2024 йилда ишга тушган 17 та йирик савдо ва туристик маскан ёнига жорий йилда яна 25 та шундай мажмуалар қўшилиши кутиляпти. Умуман, 2024 йилда жами 3 млрд 489,5 млн доллар туризм хизматлари экспорти, шу жумладан, 218 млн доллар тиббиёт ва таълим туризми экспорти амалга оширилди. Хорижий мамлакатларда республиканинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш мақсадида Туризм кўмитасининг Буюк Британия, Япония, Хитой, Германия ва АҚШдаги туризм вакиллари ва туризм бренди элчиси тайинланди. Фракция аъзолари Давлат дастури ижросини таъминлаш жараёнида амалга оширилган ишларни атрофлича муҳокама қилиб, ҳудудлардаги ўрганишлар давомида сайловчилардан тушган мурожаатларга ҳукумат вакиллари эътиборини қаратдилар. Фракция раҳбари Алишер Қодиров дастлаб энергетика билан боғлиқ масалани кўтарди. Ҳисоб-китобларга қараганда, мамлакатимиз углеводород энергияси – нефть, газ, кўмирдан фойдаланиш ҳисобига ҳар йили ялпи

ички маҳсулотнинг камида 4,5 фоизини йўқотмоқда. Бунинг асосий сабаби ишлаб чиқарувчи ва узатувчи қувватларнинг эскирганидир. Уларни модернизация қилиш учун эса 52 млрд доллар миқдоридagi маблағ зарур. Фракция раҳбари айни шу масалада ҳам иқтисодий, ҳам экологик фойдали бўлган «яшил энергетика»га ўтиш минг чандон афзал эканини таъкидлади. Зеро, бутун дунёнинг 160 дан ортиқ давлати шу йўлга ўтапти, жумладан, Ўзбекистон ҳам. Таҳлилларга кўра, мамлакатимизда қуёш ва шамол энергиясининг салоҳияти электрга бўлган эҳтиёжни 10–12 баробар ортиғи билан қоплай олади. Шу бoис, 2019 йилда «Яшил иқтисодиёт»га ўтиш стратегияси қабул қилинди ва соҳада ҳуқуқий база яратилиб, инвесторлар учун жозибадор муҳит яратилди. Охириги 5 йилда соҳага қарийб 20 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиниши натижасида 20 га яқин йирик қуёш ва шамол электр қувватлари ишга туширилди ва «яшил энергия» улуши 16 фоиздан ошди. 2030 йилга бoриб бу кўрсаткични 54 фоизга етказиш режалаштирилган. Албатта, бу катта натижа, энг асосийси эҳтиёжимиздан ортганини Европага сотиш кўзланаяпти. Соҳа мутахассислари яна бир фикрга ургу беришяпти: бугун ҳар бир уйда йилига ўртача 400 кВт/соат электр энергияни тежаш имконияти бор. Бу йилига 1,8 млрд. кВт соат электр энергия тежалади деганидир. Бу эса ушбу қувват Жиззах ёки Сирдарё вилоятларини йил давомида электр энергияси билан таъминлашга етишини аниқлатади. Табиий газ қазиб олишда ҳам худди шундай муаммоларга дуч келяпмиз. Бугун электр энергиянинг 75 фоизи газни ёқиш орқали ишлаб чиқарилмоқда. Аҳолига етказиб берилаётган 1 куб газнинг нархи 2000 сўмга тушгани ҳолда одамларга деярли уч баробар арзонга – 650 сўмга сотилмоқда. Ўзбекистонда газ захираси кескин камайиб бoраётганини эътиборга олсак, энди босқичма-босқич газ истеъмoлидан воз кечиb, электр энергиясига ўтишимиз лoзим бўлади. Аҳоли эса энергетика тизимида амалга оширилаётган бундай ишлардан хабардор эмас. Шунингдек, тармокни бoзор талаблари асосида ривожлантириш йўлидаги муаммолар, «яшил энергетика» билан боғлиқ лoйиҳалар қўлами ҳақида етарлича маълумотлар берилмаяпти. Бугун ижтимоий тармоқларда жамоатчилик томонидан энг кўп муҳокама қилинаётган масала ҳам, шубҳасиз, энергетика мавзуси бўлмоқда. – Энергетика масаласининг кун тартибидан тушмаётгани

сабаби ҳам одамларнинг соҳада олиб бoрилаётган ишлардан бeҳабарлиги, тўғриoғи, хабардор қилинмаётгани билан боғлиқ. Бу ишларга масъул бўлган Энергетика вазирлиги эса жим, – деди Алишер Қодиров. Шунча гап-сўз, эътирозларга қарамай, вазир ўринбoсари Умид Мамадаминов танқидлар ўринли эканини, вазирлик бу йилдан бошлаб аҳоли билан кўпроқ очик мулоқотлар ўтказишга тайёргарлик кўраётганини айтиш билан чекланди, ҳoлoс. Маълумки, Президентимизнинг 2024 йил 21 февралдаги 37-сонли Фармонида 2025 йил 1 январдан миллий сертификатга эга «Ўзбек тили ва адабиёти» фани ўқитувчиларига ҳам 50 фоиз устама тўланиши белгиланган. Аммо Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг қайсидир ҳужжати билан бу тартиб фақат «Она тили ва адабиёт» ҳамда «Тарих» фанлари ўқитувчиларига татбиқ этилмоқда. Фракция аъзoси Нодир Тилаволдиев ушбу масалада ҳукуматдан изoҳ сўради ва вазирликнинг бу ҳаракатини Давлат тилига ҳурматсизлик деб баҳолади. Фарҳoд Зайниев эса мактабларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласини кўтарди. Депутатнинг қайд этишича, смета ҳужжатларида барча мактабларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун 108 млрд сўм зарурлиги ҳисоб-китoб қилингани ҳoлдa бу мақсадларга 14 млрд сўм ажратилган, ҳoлoс. – 1300 та мактаб тоза ичимлик суви билан таъминланмагани бу катта фoжиа. Тoза сув ичмаган боланинг кейинги манзили касалхoна бўлиши мумкинлигини наҳот Тошкентда ўтирган масъуллаp тушунмаса, – деди депутат. Фракция аъзолари юқoридаги икки масала бўйича тегишли вазирликларга «Депутат сўрови» чиқаришга ва бу масалалар ижросини қатъий назоратга олишга қарор қилишди. Азамат Пардаев ҳам муҳим масалага эътибор қаратди: Қашқадарё ва Сурхoндаё вилоятларининг олис ва чекка ҳудудлари ўқувчилари учун бепул автобус катнови йўлга қўйилганини oлқишлаб, ҳукумат вакилидан бу бoрада яна қандай ишлар режалаштирилганини сўради. Транспорт вазирлиги вакилининг маълум қилишича, бу йилги тажрибани Самарқанд ва Жиззах вилоятларида давом эттириш режалаштирилган. 2030 йилгача олис ва чекка ҳудудларда жойлашган барча мактабларга бепул автобус катнови йўлга қўйилди. Маълумки, бугун Россияда ишлаётган ватандoшларимизнинг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади. Бирoқ ижтимоий тармоқлар орқали кўряпмиз, эшитяпмиз: Россияда сўнгги

йилларда мигрантларнинг тахқирланишига сабаб бўлувчи қонунлар шунчалик кўп қабул қилиндики, қонун чиқарувчи органи – Федерал Давлат Дума тирикчилик мақсадида борганларнинг шароитини оғирлаштириш учун барча чораларни кўряпти. Ҳатто рус тилини билганлар ҳам тахқирланаётганини ҳеч нарсa билан oқлаб бўлмайди. Бундан кўриниб турибдики, Россия меҳнат бoзoри ўз жoзибадорлигини йўқoтаяпти. Шундан келиб чиқиб, ишчи кучига эҳтиёжи бўлган Европа, яқин ва узoқ шарқ давлатлари меҳнат бoзoрига эътиборимизни кучайтиришимиз лoзим. Бунинг учун эса ёшларимиз ҳеч бўлмаганда инглиз тилини бошланғич даражада билишлари зарур бўлади. Фракция йиғилиши ҳам, қуйи палата ялпи мажлиси ҳам ана шу руҳда ўтди. Муҳокамалар якунида Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи маъқулланиб, Ҳукуматнинг тегишли фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тақлифлар акс этган тегишли қарор қабул қилинди. Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсман) 2024 йилдаги фаолияти билан боғлиқ масала ҳам фракция аъзолари томонидан қизғин муҳокама қилинди. Омбудсман Феруза Ёшматованинг маълум қилишича, ўтган йили тушган жами мурожаатлар сони 23422 тани (2023 йилда 18622 та) ташкил этган бўлса, уларнинг 45,4 фоизи хотин-қизлардан, 54,6 фоизи эса эркаклардан тушган. Ҳудудлар кесимида тахлил қилганда энга кўп мурожаат Қашқадарё вилояти, Тошкент шаҳри ва ва Сурхондарё вилоятига, энг ками эса Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятига тўғри келган. Ҳисoбoт йилида Омбудсманнинг ишoнч телефoнига келиб тушган мурожаатлар сони эса 4748 тани ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан 29 фоизга oшган. Энг кўпи Тошкент шаҳри, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларига, энг ками эса Сирдарё ва Хoразм вилоятларига тўғри келган. Депутатлар Омбудсманнинг ижтимоий йўналишлар, жумладан, таълим, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш билан боғлиқ фаолиятига эътибор қаратиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Таъкидланганидек, «Миллий тикланиш» учун инсон ҳуқуқлари масаласи доимо устувор бўлиб келган. Шу маънода, фракция Омбудсман фаолиятини қўллаб-қувватлаб, ўзарo ҳамкорликни янада кенгайтириш чораларини кўради.

Равшан МАХМУДОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири

” ОХИРГИ 5 ЙИЛДА СОҲАГА ҚАРИЙБ 20 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ЖАЛБ ҚИЛИНИШИ НАТИЖАСИДА 20 ГА ЯҚИН ЙИРИК ҚУЁШ ВА ШАМОЛ ЭЛЕКТР ҚУВВАТЛАРИ ИШГА ТУШИРИЛДИ ВА «ЯШИЛ ЭНЕРГИЯ» УЛУШИ 16 ФОИЗДАН ОШДИ. 2030 ЙИЛГА БОРИБ БУ КЎРСАТКИЧНИ 54 ФОИЗГА ЕТКАЗИШ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН.

Умумий ўрта таълим тизимида «Таълим учун қулай муҳит» дастурини амалга ошириш мақсадида мавжуд 9 920 та умумтаълим мактаби қайта хатловдан ўтказилиб, 6 099 та мактабга марказлашган ҳолда ичимлик суви олиб келинди. Бунда 2 521 та мактаб муқобил сув манбасига эга экани, 1 300 таси сув таъминотига эга эмаслиги, шунингдек, 1 024 та мактаб марказлашган оқова сув

✓ Кутинг!

Фирдавс ҲАЛИМОВ,
Ўзбекистондаги Ислoм цивилизацияси маркази директори ўринбoсари

БУ ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ ВА ИМКОНДИР

Сўнгги йилларда юртимизда илм-фан, иқтисодиёт ва халқимиз турмуш тарзини яхшилаш борасида олиб бoрилаётган ислoхотлар жаҳoн oммаси томонидан ҳам юксак даражада баҳоланмоқда.



Келгуси сонларда



ЛАХОРДА “MADE IN UZBEKISTAN” САНОАТ МАХСУЛОТЛАРИ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ

11 февраль куни Покистоннинг Лахор шаҳридаги “Expo Centre Lahore” марказида “Made in Uzbekistan” саноат махсулотлари кўргазмаси ўз ишини бошлади. Тадбирда Ўзбекистоннинг тўқимачилик, озиқ-овқат, қурилиш материаллари, электротехника ва бошқа соҳалардаги ишлаб чиқарувчилари ўз махсулотлари билан қатнашмоқда. Кўргазма доирасида маҳаллий ва хорижий тадбиркорлар ўртасида ҳамкорлик шартномаларини имзолаш, тажриба алмашиш ҳамда янги экспорт йўналишларини белгилаш режалаштирилган. Расмий маълумотларга кўра, 2024 йил ҳолати бўйича Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги товар айланмаси 404,4 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Шунинг 62,3 миллион доллари (умумий экспортнинг 20,8 фоизи) тўқимачилик махсулотлари ҳиссасига тўғри келади. Кўргазмада “Made in Uzbekistan” бренди остида турли соҳалардаги ишлаб чиқарувчилар учун махсус стендлар ажратилган. Жумладан, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси учун ҳам алоҳида майдон тақдим этилган бўлиб, бу ерда 30 дан ортиқ маҳаллий компания ўз махсулотларини намойиш этмоқда. Уюшма ахборот хизматининг хабар беришича, кўргазма 13 февраль куни ўз ишини якунлайди.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎЗА

Олий Мажлис Сенатининг 25 январда бўлиб ўтган 3-ялпи мажлисида “Банклардаги омонатларни ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунни атроф-лича муҳокама қилиниб, сенаторлар томонидан маъқулланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга онд давлат дастури тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ ишлаб чиқилган мазкур қонун омонатчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатли ҳимоя қилинишини таъминлаш ва аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлашға қаратилгани билан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.



Қобул
ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Бюджет ва иқтисодий
масалалар қўмитаси
раиси ўринбосари

БАНКЛАРДАГИ омонатлар ҳимояси кучайтирилмоқда

Қонунни ишлаб чиқиш зарурати нималардан иборат? Маълумки, банкларимиз орасида жисмоний шахс бўлган кўплаб миқдорларга хизмат кўрсатаётган Халқ банки омонатларни кафолатлаш тизимида иштирок этмайди. Шу сабабдан мазкур банкка жойлаштирилган омонатлар давлат томонидан

молия сектори ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ҳам бошқа тижорат банклари билан бир хил шароитда рақобатлашиши учун Халқ банки омонатларини давлат томонидан кафолатлаш тизимини бекор қилиш ҳамда мазкур банкни Фонднинг тўлақонли аъзосига

бир банкда бир омонатчига тўланадиган компенсация, агар кафолатлаш объектининг миқдори икки юз миллион сўм ёки ундан кам бўлса, кафолатлаш объекти қолдигининг тўлиқ ҳажминини, агар кафолатлаш объектининг қолдиги икки юз миллион сўмдан кўп бўлса, икки юз миллион сўмни ташкил этиши белгиланмоқда. Маълумот учун: Чекланмаган миқдорда кафолатлаш биздан ташқари фақат Беларусь ва Туркманистонда сақлаб қолинган. Халқаро тажрибада ҳам омонатларни кафолатлаш бўйича турли миқдорлар белгиланган. Масалан, бу Озарбайжонда 17,7 минг доллар, Россияда 14,4, Туркияда 14 минг доллар тарзида белгиланган. Бизда эса бу миқдор 15,6 минг долларга тенгдир. Шу ўринда қонун билан банклардаги омонатларнинг ҳимоя қилинишини кафолатлаш соҳасидаги ваколатли орган - “Омонатларни кафолатлаш агентлиги”нинг фаолияти ва унинг вазифалари, ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари белгиланмоқда. Агентликнинг Марказий банк, Иқтисодиёт ва

молия вазирлиги ҳамда бошқа идоралар билан ҳамкорлиги ҳам белгилаб қўйилгати. Агентликнинг кузатув кенгаши эса юқори бошқарув органи ҳисобланади. Шу ўринда Марказий банк раиси Кенгаши раиси ҳисобланишини, Раис ўринбосари Кенгаши аъзолари орасидан сайланишини айтиш жоиз. Кенгаши аъзоларининг ваколатлари муддати улар тайинланган кундан эътиборан беш йилни ташкил этади. Шунингдек, янги қонун билан кафолатлаш тизими, банкларнинг кафолатлаш тизимида иштироки, кафолатлаш тизими маблағларини бошқариш, Кафолатлаш фонди маблағлари манбалари ва мазкур маблағлардан фойдаланиш, Кафолатлаш фонди тақчиллигини молиялаштириш, кафолатлаш объектилари, кафолатланган омонатлар миқдори ва улар бўйича компенсация тўлаш тартиби, компенсация миқдори, компенсация тўлаб беришнинг умумий принциплари, компенсацияларни тўлаб бериш тартиби, омонатчиларнинг ҳуқуқлари, кафо-

латлаш тизими ишлаши тўғрисида жамоатчиликни хабардор этиш каби нормалар ҳам аниқ-тиниқ белгиланмоқда. Биламизки, самарали тарзда шакллантирилган омонатларни кафолатлаш тизими молиявий барқарорликни таъминлашнинг асосий элементи ҳисобланади. Шу ўринда Марказий банк томонидан банк лицензияси қақириб олинганда, омонатчилар маблағини тезкорлик билан Агентлик томонидан Кафолатлаш фонди маблағлари ҳисобидан қайтариб берилиши бошқа банклардаги омонатчилар ўз пул маблағларини оммавий ечиб олинини (“bank run”) олдини олиш орқали маблағларини оммавий барқарорликни сақлаб туришга хизмат қилишини таъкидлаш жоиз. Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, Жаҳон банки экспертлари кўмағида ишлаб чиқилган ушбу қонуннинг қабул қилиниши омонатчиларнинг мулкый ҳуқуқларини кафолатли ҳимоя қилишга хизмат қилади ва банкларга бўлган ишончнинг ортинини таъминлайди.

“ХАЛҚАРО ТАЖРИБАДА ҲАМ ОМОНАТЛАРНИ КАФОЛАТЛАШ БЎЙИЧА ТУРЛИ МИҚДОРЛАР БЕЛГИЛАНГАН. МАСАЛАН, БУ ОЗАРБАЙЖОНДА 17,7 МИНГ ДОЛЛАР, РОССИЯДА 14,4, ТУРКИЯДА 14 МИНГ ДОЛЛАР ТАРЗИДА БЕЛГИЛАНГАН. БИЗДА ЭСА БУ МИҚДОР 15,6 МИНГ ДОЛЛАРГА ТЕНГДИР.

кафолатланади. Бошқа банклардаги омонатлар эса Фуқароларнинг омонатларини кафолатлаш жамғармаси (Фонд) томонидан кафолатланган. Халқаро тажрибаға мувофиқ, омонатларнинг чекланган миқдорда кафолатлаш тизимига ўтилиши, битта банкнинг мазкур тизимдан четда қолдирилиши ва мазкур банкдаги омонатларнинг тўлиқ ҳажмда кафолатла-ниши бозор мувозанатиға, шунингдек, ҳусусий

айлантириш мақсадға мувофиқ ҳисобланади. Маълумки, Ўзбекистонда 2008 йилнинг охиригача фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг максимал миқдори энг кам иш ҳақининг 250 бараварига тенглаштирилган эди. Бироқ жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида омонат миқдоридан қатъий назар уни тўлиқ ҳажмда қоплаб бериш амалиётиға ўтилди. Янги Қонун билан энди

✓ Муносабат

“МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИНING 2025 ЙИЛ 6-СОНИДА ЧОП ЭТИЛГАН «ОДДИЙ ХАЙРАТ ЭМАС БУ ЁКИ СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИНГ ИНСОН ХАЁТИГА ЖУДА ОСОН КИРИБ БОРАЁТГАНИ ХУСУСИДА» САРЛАВҲАЛИ ИНТЕРВЬЮ КЎПЧИЛИК ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЭЪТИБОРИНИ ТОРТГАНИГА ИШОНЧИМ КОМИЛ. ТАНИҚЛИ ЖУРНАЛИСТ БЎБУР АЛИХОНОВНИНГ СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ (ИНГ. AI - ARTIFICIAL INTELLIGENCE) БИЛАН ҚИЗИҚАРЛИ МУЛОҚОТИНИ ЎЗИМ ҲАМ «ЮТОҚИБ», КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛАН ЎҚИБ ЧИҚДИМ. ЧУНКИ ЖОНЗОТ СИФАТИДА ШАКЛАН МАВЖУД БЎЛМАГАН, БИРОҚ АЛЛАҚАЧОН ОДАМЛАР ХАЁТИГА КИРИБ КЕЛГАН МАВЖУДЛИК БИЛАН МАЗКУР САРҲАДСИЗ МУЛОҚОТДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ БИЛАН БОҒЛИҚ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНГАН.

Сухбатда замонамизнинг энг инкилобий технологияларидан бири бўлган сунъий интеллект инсоният учун қатта наф келтириши билан бирга, муайян таҳдидларни ҳам ўз ичига олиши, яъни унинг ижобий ва салбий жиҳатлари борлиги ҳам афрофлича очиб берилган. Шу ўринда журналист ҳозир ва келажакда қўтилаётган СИнинг улкан салоҳиятиға қарамай, у билан боғлиқ хавф-хатарлар жиддий ҳисобға олинини кераклигини ҳам таъкидлайди.

Сухбатда СИнинг психологик портрети ҳам “чиқиб” берилган. Лекин уни тугал деб бўлмаслиги тушунарли, албатта. Чунки СИ ва уни тақомиллаштириш устида олиб борилаётган илмий изланишлар ҳали давом этмоқда.

Журналист билан ушбу суҳбатда СИ одамлар билан қанчалик кўп мулоқот қилса, уларнинг қизиқишлари ва мулоқот услубиға шунчалик аниқроқ мослаша олишини, қамчиликлардан ҳам ҳоли эмаслигини эътироф этгани, шунингдек, у яхшилик ёки ёмонлик учун ишлатилиши мумкин бўлган қучли восита эканлигини тан олгани ўқувчи эътиборини тортади. Назаримда, энг қатта хавф ҳам ана шундадир. Чунки СИнинг технологик имкони-ятлари, унинг чегараси қай даражада бўлиши ҳозирча номаълум.

Сунъий интеллектнинг нима экани, унинг бугунги кунда нималарға қодирлиги ва инсониятға қандай масалаларда беминнат кўмақдош вазифасини ўтаётгани кўпчиликка маълум. Шунга қарамай, инсоният асосан охирини, яъни оқибатни ўйлаб иш тутмоғи керак, деб ўйлайман. Чунки ушбу соҳа мутахассислари “Қучли СИ” (Strong AI, Artificial General Intelligence) яратилганидан сўнг у кенг қамровдаги интеллектуал вазифаларни ҳал қилишға қодир бўлишиға, бундай СИ мустақил фикрлай олиши мумкинлигиға жиддий эътибор қаратишмоқда. Британиялик машҳур олим Стивен Хокинг фикрлайдиган машиналарнинг ярати-лиши инсониятнинг яшаб қолишини хавф остиға қўяди, деган эди. У шунингдек, Би-Би-Сига берган интер-вьюсида тўлақонли сунъий интеллектнинг пайдо бўлиши инсониятнинг тирик мавжудот сифатида йўқ бўлишини бошлаб бериши мумкинлиги-ни таъкидлаганди.

“Спейс Х” фазо компанияси асосчиси, машҳур инженер ва тадбиркор Илон Маск ҳам узок келажакда машиналар инсониятнинг ҳаёт кечириши учун асосий хавф бўлиши мумкинлигини ёзганди.

Тўғри, СИ ҳам инсоният акли-идроки ва тафакку-рининг ҳосиласи. Сухбатда қайд этилганидек, таҳдидлар

эҳтимолини минимал-лаштириш ва технологик тараққиётни конструктив изға йўналтириш учун тегишли қонунлар, назорат механизмлари ҳамда аниқ-равшан ахлоқий мезонлар мажмуини ишлаб чиқиш зарур. Лекин мустақил фикрлайдиган машиналарнинг ўзини яратувчисидан “ақлан ўзиб кетиши” эҳтимоли, шубҳасиз, инсоният келажаги учун қатта хавф тугдиради.

Мухтасар айтганда, жур-налистнинг “нейротармок вакили” билан бўлган ушбу интервьюси замонамизнинг энг долзарб мавзуларидан бирини қамраб олгани билан қатта эътиборға сазовор. Ушбу мавзу оммавий ахборот воситаларининг қун тарти-бидан ҳали-бери тушмаслиги ҳам аён.



Шўҳрат УМИРОВ,
халқаро журналист



СУНЪИЙ
ИНТЕЛЛЕКТ
ИНСОН ТАФАККУРИНИНГ
МАХСУЛИ, ЛЕКИН...



Ғофил бўлманг,
бу эрмак эмас!

ЁШЛИ

“КЕЛИНЧАК”ЛАР...

2024 йил маълумотларига кўра, ҳар йили юртимизда 250 – 300 минг янги оила қурилаяпти. Аммо, афсуски, ана шу даврда ўртача 45– 49 минг оила кўргони дарз кетаяпти. Таҳлилчиларнинг фикрича, ажрашишларнинг 4–5 фоизини бир йилгача, 40 фоизини эса беш йилгача бир оила бўлиб яшаганлар ташкил этаётгани ушбу масала чуқурроқ ўрганишларни тақозо этаётганидан далолат бермоқда. Қадриятларимиздан узоклашганимиз, орзу-хавас дея ҳаётга тайёр бўлмаган ёшларни турмушнинг шафкатсиз «мушти»га рўбарў қилаётганимиз ҳосиласи эмасми бу? Эътибор беринг, ажримлар сони 2021 йилда 41 фоизга, 2022 йилда эса 22 фоизга кўпайган.

Тўғри, 2023 йилда ўсиш суръати тушиб, олдинги йилга нисбатан атиги 0,8 фоизга кўлайган. Аммо бу никоҳ масаласидаги «инновация»ларимиз натижа бера бошлади, дегани эмас. Гарчи МДХ статистика кўмитаси 2024 йили мамлакатимиз никоҳлар сони бўйича ҳамдўстликда биринчи, ажралишлар бўйича эса охириги ўринда эканини қайд этган бўлса-да, сўнгги маълумотлар бу «касаллик»нинг яна авж ола бошлаганини кўрсатапти.

Айримлар, «ана, Европада бу кўрсаткич 100 фоизга яқинлашди, биров бундан нолигани йўқ» дейиши мумкин. Чиндан ҳам «World of

Statistics»нинг 2023 йилги маълумотларига кўра, Португалия ажрашиш рейтингда 94 фоиз кўрсаткич билан биринчи ўринда, Испания 85 фоиз, Люксембург 79, Россия эса 73 фоиз билан кейинги ўринларда турибди. Бу кўрсаткич Германияда 38, Буюк Британияда 41, Австралияда 43, АҚШда 45, Жанубий Кореяда эса 46 фоизни ташкил этмоқда. Яъни, ривожланган давлатларда янги оилаларнинг ярмидан камроғида ажрашиш оддий ҳолатга айланыпти. Бунинг бош сабаби эса эру хотиннинг розилиги билан пайдо бўладиган чин оила муқобил оилага ўз ўрнини бўшатиб берганидир...

Бир жинслилар никоҳининг оммалашгани эса бу жараёни яна тезлаштиряпти.

Яна бир гап: энг кам ажрашиш Ҳиндистонда қайд этилган: 1 фоиз. Ундан кейинги «пиллапоя»ларни 7 фоиз кўрсаткич билан Вьетнам, 10 фоиз билан Тожикистон ва 14 фоизлик «марра» билан Эрон банд этиб турибди.

Қайд этилишича, Эронда оила қуриш, айниқса куёв учун кимматга тушаркан. Аниқроғи, қизнинг қалин пули ёки маҳр чегараси 10 минг АҚШ долларидан бошланар экан. Кўпгина араб давлатларида ҳам маҳр 50 минг АҚШ долларидан бошланиши айтиляпти. Тўғри,

қалин ёки маҳр нархининг юқоридагидек оширилиши биздаги ажралишлар динамикасига унчалар таъсир этмас, аммо бу бир аёлни, ёки кечagina дунёга келган норасида гўдакни кўчага ҳайдашнинг олдини олишга хизмат қилиши мумкин, демоқчимиз. Балки, шунда кизларимиз кадрланар, зўравонлигу, ажримлар қаймаган бўлармиди? Афсуски, танганинг биз унча эътибор қаратмайдиган иккинчи томони ҳам бор. Аксарият ота-оналарни ҳатто қонуний қоралар ҳам бу йўлдан қайтара олмаयпти. «Тенги чикса текин бер» наклини ўз «принципи»га айлантириб олган баъзи ота-

✓ Муносабат

Газетамизнинг 2025 йил 5-сонида ўзбек киносининг бугунги фаолияти танқид қилинган «Нега миллий кино санъати мутасаддилари томошабинликдан нарига ўтишолмаяпти?» сарлавхали мақола эълон қилиниб, унда соҳа мутасаддиларининг томошабин талабларига монанд иш олиб бормаётганлари тилга олинганди. Ўтган ҳафта Кинематография агентлиги кинолойихалар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Жўрабек Рўзметов имзоси билан «Чумчук сўйса ҳам кассоб сўйсин ёхуд Кинематография агентлиги савиясиз сериаллар учун жавобгар эмас!» сарлавҳаси остида хат олдик. Ушбу хат ҳеч қандай тахирсиз ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинмоқда.

Кино санъати инсонлар қалбига гўзаллик уруғини сеппуви сирли ижод соҳасидир. Мазкур санъат ўзининг бир аерлик тадрижий тараксиётида мамлакатимизда кўплаб кино усталарини ва намуналарини ярата олган. Бутун дунёда кино энг халқчил, оммабоп санъатдан саноатга айланиш палласини бошидан кечирмоқда. Қолаверса, қайсидир мамлакатларда бу соҳа турли сиёсий-мафкуравий мақсадлар учун хизмат қилаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда кинематография соҳаси ривожига давлат даражасида эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда бу йўналишда бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқариладиган фильмларимизда аввало, инсон тақдирини, унинг ўй-кечинмалари, қувонч ва ташвишларини акс эттириш етакчи ўринда туради. Халқимизнинг ўзига хос маънавий-руҳий олами, миллий маданиятимизнинг турфа қирраларини акс эттириш уларнинг бош ғояси ҳисобланади.

Аммо бир нуқтанинг уч юз олтимиш томони бўлгани сингари, кимдир дарахтни кўрганида ҳаёт ҳақида ўй сурса, яна кимдир ўтин ҳақида ўйлайди. Кимдир Кристофер Ноланининг «Интерстеллар»ни дурдона киноасарга қиёласа, яна кимдир унга асло тоқат қила олмайди. Унинг учун бу фильм аллақандай тушунарсиз, эҳтимолики бадиий-тасвирий алаҳсирашдек туюлса, ажаб эмас. Балки у энг яхши фильм деганда «Бойвачча» ёки «Ўлфатлар»ни тушунар. Яна ким билсин, ҳар ҳолда кино ва сериаллар ҳақида ҳар кимнинг ўз фикри бор. Шу боис дид борасида баҳслашилмайди.

«Миллий тикланиш» газетасининг 2025 йилдаги 5-сонида «Нега миллий кино санъати мутасаддилари томошабинликдан нарига ўтиша олма-япти?» сарлавхали мақола эълон қилинди. Очиги, унда аниқ далил

ва фактларга таянмаган ҳолда соҳа мутасаддилари, режиссёр ва сценарийёзарлар шаънига маломатлар ёғдирилганига тушунолмадик.

Сўзимиз аввалида кино санъати ўзига хос мураккаб жанр эканини таъкидлаш-ни истардик. Унинг ютуғи ёки муваффақиятсизлигини фақатгина режиссёр, сценарист ёки буюртмачига боғлаш у қадар тўғри эмас. Сабаби, кино жамоавий фаолиятни талаб қиладиган санъат ҳисобланади.

Сўнгги пайтларда ижтимоий тармоқлар ва айрим телеканалларда «сериал» ва «фильм» деб атаётган «усту ялтирок, ичи қалтирок» медиа маҳсулотлар урчигани рост. Аммо бунинг учун ўйлаб ҳам ўтирмасдан кино санъати мутасаддиларини маломат қилиш қанчалик тўғри? Телеканалларда эфирга узатилаётган сериалларнинг барчасига Кинематография агентлиги буюртмачи, деб ўйлаш қайси мантиска тўғри келади?

Келинг, шу ўринда дўппини бошдан олиб, бир мулоҳаза қилиб кўрайлик.

Мақола муаллифининг таъбири билан айтганда, сериалларга ўзбекчиликка тўғри келмайдиган беҳаё сахналар кўшилишидан, қайноналарни ёмонотлик қилиб, жамиятни бой, аммо худбин, камбағални аҳмоқ қатлам сифатида тасвирлашдан кимга қандай наф?

Албатта, дунёнинг етти мўъжизасидан биттасини ёкиб юборган Геростратга ўхшаб «қора пиар» қилиб бўлса-да, тилга ту-шишни ва мўмайгина пул топиш-ни мақсад қилган айрим «кино ижодкорлар»га фойда.

Кези келганда таъкидлаш жо-изки, Агентлик ҳар доим ўз буюрт-масига биноан суратга олинажак медиа маҳсулотларда бачканалик, ҳаёсизлик, зўравонлик, инсон-лар шаънини ерга уриш сингари миллий менталитетимизга зид бўлган ҳолатларга йўл қўймаслик талабини қўяди.

Мақолада Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг даст-

ЧУМЧУҚ СЎЙСА ҲАМ ёхуд Кинематография агентлиги



лабки ялли мажлисида «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоси Азамат Пардаев 2025 йилги Бюджетномада мил-лий сериаллар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва ривожланти-риш учун республика микёсидаги телеканалларга 12 миллиард сўм микдорда субсидия ажратиш режалаштирилганига эътибор қаратиб, бу маблағ телеканаллар-га қандай тақсимланиши маса-ласи кўтарилгани қайд этилган. Вахоланки, Ўзбекистон Респу-бликаси Президентининг 2021 йил 7 апрелда қабул қилинган «Кино санъати ва саноатини янги босқичга олиб чиқиш, соҳани дав-лат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллашти-риш тўғрисида»ги ПФ-6202-сонли Фармонида бу борадаги тартиб-таомиллар аниқ-равшан белгилаб қўйилган. Қонун ижодкорлиги билан шуғулланувчи халқ ваки-лининг мамлакат раҳбари имзо-лаган фармондан хабарсизлиги кишини ажаблантиради.

Қолаверса, муаллиф мақолада «Давлат маблағлари қаерга, қандай кино лойиҳаларга сарф-ланаяпти, қизикасан, аммо жавоб ололмайсан» дея ёзгаради. Аммо қизиги, Агентликнинг алоқа бўлимларига ёки масъулларнинг қабулларига на мақола муаллифи, на ўша депутат ушбу савол билан мурожаат қилмаган. Муаллиф жилақурса мазкур материали тайёрлаш жараёнида Агент-ликнинг ижтимоий тармоқдаги саҳифаларини бир кўр кўздан кечирганида ҳам кўп саволларига

жавоб топиши мумкин эди.

Муаллиф «Осмондаги бола-лар», «Ўзбек кизи», «Исломхўжа», «18 квадрат», «Барон», «Ал-данган аёл» ва «Йўлбарснинг тугилиши» каби фильмларни вақт сарфлаб, томоша қилсак арзийди дея эътироф этиб, тагин айрим телеканалларнинг «тегирмонига сув қуяётган» сазъ ва енгил-елпи сериаллар юзасидан кино санъа-ти мутасаддиларини «томошабин-ликда» айблайди.

Аввало, Кинематография агентлиги томонидан яратилган юқоридаги фильмларни эъти-роф этганининг учун қулулк! Шу ўринда кейинги вақтларда Агентликда амалга оширилган айрим ишлар ҳақида тўхталиб ўтишни лозим топдик. Ўтган йилларни кўя турайлик, биргина 2024 йилда 123 та кино-лойиҳа ишлаб чиқаришга туширилди. Шунингдек, юқоридаги Фармон-нинг 7-банди ижросини таъ-минлаш мақсадида, бюджетдан ажратилган 12 миллиард сўм субсидия маблағлари телека-наллар ўртасида танлов асосида тақсимланган. Натижада «ZoʻrTV» телеканали орқали 2023 йилда 40 қисмли «Ойдин», 2024 йилда 60 қисмли «Оққушлар», «Renessans» телеканали орқали 2024 йилда 60 қисмли «Ваъда», 2025 йил-да 16 қисмли «Ўзилган гулим (Қутқарувчи)», «Mening yurtim MY5» телеканали орқали 2023 йилда 60 қисмли «Икки дунё», 2024 йилда 60 қисмли «Пирами-да» сериаллари намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси

си Президентининг 2024 йил 5 июндаги «Кинематография соҳасини янада ривожлантириш ҳамда мамлакатимиз тарихига бағишланган фильмлар турку-мини яратишга доир чора-тад-бирлар тўғрисида»ги ПҚ-209-сон қарорида Кинематография агентлиги ҳамда соҳа ижодкор-лари олдига 2024-2027 йилларда «Тирик тарих» дастури асосида юртимизнинг уч минг йиллик шонли ўтмиши ва буюк ажждла-римизга бағишланган элликдан ортиқ кинофильмлар яратиш-дек катта масъулятли вазифа қўйилди. Агентликда ушбу кенг қўлламли лойиҳани амалга оши-риш учун алоҳида тайёргарликлар амалга оширилди. Аввало, кино ижодкорлар учун «маҳсуе тарих» ҳамда «маҳсуе адабиёт» ўқув курслари ташкил қилиниб, юз нафардан зиёд киноижодкорларга таникли тарихчи, адабиётшунос, шарқшунос олимлар томони-дан юртимиз тарихини ҳолис ва ишонарли акс эттириш бўйича маърузалар ўқилди.

Мухими, «Тирик тарих» дастуридан ўрин олган қатор фильмларни суратга олиш иш-лари аллақачон бошлаб юборил-ган. Ўтган йили шу йўналишда яратилган «Баҳодир Ялангтўш» тарихий фильмининг премьераси Самарқанд ва Тошкент шаҳрида ўтказилиб, томошабинларнинг эътирофи ва олқишига сазовор бўлди. Туркман киноижодкорла-ри билан ҳамкорликда яратил-ган «Махтумқули», қорақалпоқ киночилари билан бирга суратта

олинган «Ажиниёз» картиналари ҳам аллақачон ўз томошабинини топди.

Яна мақолага қайтамыз. Унда давлат бюджетни ҳисобидан халқимизнинг тафаккурини ўзгартиришга хизмат қилаётган миллий кинолар асосан кинотеатрларда намойиш эти-лаётгани таъкидланиб, «нега бундай фильмлар телеканаллар орқали халқимизга намойиш қилинмаяпти?» деган савол ўртага қўйилган.

Бизнингча, бу ҳам кино соҳасининг фаолиятини етарли билмаслик оқибатидир. Ахир, янги яратилган ҳар қандай бади-ий фильм аввало кинотеатрларда намойиш қилинади-ку? Бутун дунёда тартиб шундай, ҳамма жойда кинопрокат тизими шу асосда ишлайди.

Янги ишланган миллий филь-ларимизнинг кинотеатрлардаги намойиш муддати якунига етгач, улар албатта эфирга узатиш учун телеканалларимизга тақдим қилинади. Масалан, биргина 2024 йилда турли умумхалқ байрамла-ри муносабати билан «Кинемато-графия агентлигининг туҳфаси» номи остида 30 тадан ошиқ бадиий фильм ва ўнлаб сериаллар юртимиз телеканалларида на-моийш қилинди. Хусусан, давлат ва нодавлат телеканаллари яқинда Янги йил байрами муносабати билан 6 та фильми бўлишиди.

Мақолада уч ёшгача бўлган болалар учун умуммиллий



ЁКИ АЖРАШИШЛАР СОНИНING ОРТИШИ ЭНГ АВВАЛО, МИЛЛИЙ КАДРИЯТЛАРИМИЗДАН УЗОҚЛАШГ АНИМИЗ БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ ХУСУСИДА

оналар хатто ўз кизларини мактабни битирар-битирмас турмушга беришни кутилмаган бахт деб билишяпти. Хўш, кизингизни моддий жиҳатдан тенгига бердингиз ҳам дейлик, аммо уларнинг фикрлаши, дунёқараши тенг келмаса-чи?

Пайгамбаримиз (с.а.в): «Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарздир», деб таъкидлаганлар (Байҳакий ривояти). Ахир қандай қилиб зарур ҳаётий кўникмаларни эгалламай, бирор касб ёки маълумотнинг эгаси бўлмаган, хатто мустақил фикри шаклланмаган ёшгина кизалоқнинг елкасига келинлик рутбасини ташлаш мумкин?! У қандай

қилиб ўзи бола бўлгани ҳолда ҳомиладорлик юки, туғурук жараёни ёки оналик машаққатларига чидасин?

2023 йилги тарғибот ва про-филактик тадбирлар давомида конуний никоҳдан ўтмасдан бирга яшаб келаётган 30 мингдан ортиқ оилаларнинг никоҳи конунийлаштирилгани айтил-япти. Натижада 19 мингдан ортиқ бола расмий ота-она-сига эга бўлибди. Хўш, хали аниқланмаган оилалар қанча? Афсуски, расман никоҳдан ўтмаслик оқибатида ҳалигача минг-минглаб қақалоқларга бергина онасининг исми қўйилаётгани ҳам аччиқ ҳақиқат. Шу ўринда яна бир

«факт» борки, бу алимент тўлашдан бўйин товлайтган оталар қаторига энди оналар-нинг қўшилаётганидир. Аф-суски, 2024 йилнинг бошида биргина Самарқанд вилоятида 387 нафар алимент тўловчи аёл борлиги маълум қилинган.

Нафақат ёшлар, балки бутун бошли оила ҳаётида жиддий йўқотиш саналадиган ажрашишлар билан боғлиқ кўрсаткичларни таҳлил этяпмизу, бундан кейин-ги асосий фожиани четлаб ўтаётгандекмиз: хўш, энди йигит ва кизнинг эртанги ҳаёти қандай кечади, уларнинг ишон-чи, умидини яна қайта тиклаш мумкин бўладими? Синган қалблари, рухиятларини-чи?

Шарқшунос олимлар эр-танги авлод ҳар томонлама етук ва соғлом фикрли бўлиб улғайиши учун тарбияни, хусусан, оила муқаддаслигини боғча ва мактабданоқ ўргатиш кераклигини таъкидлаб ке-лишган. Қатор манбаларда ҳам тарбияда энг муҳими, ота-она фарзандига асло ёлгон гапир-маслиги, дакки бериб эмас, ибрат бўлиб тарбиялаши керак-лиги уқтирилади. Чиндан ҳам шарқона тарбия асрларки ўзини оқлаб келган. Аммо афсуски, бугунга келиб, худбинлик би-лан чиқарилган айрим қарорлар оқибатида оилавий қадриятлар тупрокка қоришяпти. Жамият-да кизларни ўқитишга эскича қарайдиганлар, ёш турмушга узатишга қатъо берувчи-лар пайдо бўляпти. Янада оғрикиси, бунга кўр-қўрона эргашувчилар ҳисобига эрта турмуш куриш статистикаси ҳам, унинг оғир асоратлари қўлами ҳам ортиб бораёттир...

Тўғри, бу каби ҳолатлар кўп эмас, аммо киз фарзандини ёш турмушга бериш «вируси» кун сайин чуқуրроқ илдиш отаётгани бугунги сокинлик ортида тўлкинлар шовқини эшитилиб қолмасикин деган ҳавотирларга сабаб бўляпти, десак хато бўлмайди. Мамла-катимизда никоҳ ёши 18 ёш, истисно қилиш ва никоҳ ёшини 1 йилдан кўп бўлмаган муддат-

га туширишга имкон берадиган сабаблар кўрсатилган тақдирда 17 ёш этиб белгиланганига қарамай бугун 15, хатто 14 ёшли кизини унаштириб, мак-табни битирар-битирмас тўй қилаётганлар фақат ўзларини эмас, бутун бошли миллат ге-нофондига ҳам салбий таъсир этмоқдалар. Ундан ҳам ёмони, шифокорлар нимжон ёки бирор нуксон билан туғилиш сабабла-рини аини эрта турмуш куриш билан боғлашаётганидир.

Уларнинг фикрича, 16–17 ёшли қизлар турмушга тай-ёр бўлмай, ҳомиладорлик ва туғурук пайтида оғрикли депрессияга учрайдилар. Бу хатто фожиали якун топиши ҳам мумкин. Уламоларимиз ҳам «Ислоҳ динида ҳали балоғатга етмаган, турмушга тайёр бўлмаган ўсмир қизларни узатиш ёки никоҳлаш мум-кин, деган гап йўқ»лигини баралла айтишяпти. Минг афсуски, «орзу-ҳавас» вирусига чалинганларга бундай тавсия-лар ҳозирча қор қилмаяпти. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: Наҳотки ҳам руҳан, ҳам жисмонан тайёр бўлмаган кизнинг оилавий моҳарола-р сабаб ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг ортиб бораёт-гани ҳам «хою-ҳавас»чилар кўзини очмаётган бўлса?!

«СЕН МЕНИНГ ҚИЗИМСАН» ДЕЯ ОЛМАСАНГИЗ, «ОНАМАН» ДЕМАНГ!

Яқинда бир қишлоқда бир эмас, икки эмас, тўрт кизалоқнинг унаштирув кечаси ўтказилибди. Унаштирил-ган қизларнинг бири 10-, яна бири 11- синф ўқувчиси, икки нафари эса хали коллежнинг I-курсда ўқиркан.

Қайд этилишича, қувьлар-дан бири қиздан бир ёшгина катта экан... яъни, 11-синф ўқувчиси. Бундай тўйга рози бўлганларнинг эса ҳар қандай эътирозга жавоблари тайёр: «Кўнлик кетишадми»...

Хўш, бундай жоҳилликнинг омиллари қаерда? Балки илм-сизликдадир?

Нима бўлганда ҳам қизларни илм, касб-хунар эгасига ай-лантирмай туриб, турмушга бериш юқорида айтилганидек, нафақат ўша кизнинг, балки миллат тақдири учун ҳам фожиали қарордир. «Темур тузуклари»да шундай фикр бор: «Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлишининг насл-насаби, етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар оркали соғлиқ-саломатлигини, жисмонан қамолатини аниқладим. Келин бўлиш насл-насабаси, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги би-лан барча қусурлардан холи бўлсагина эл-юртга қатта тўй-томоша бериб, келин тушур-дим».

Буюк аллома Носриддин Рабғузий шундай ёзди: «Ота-она эзгу бўлса, унинг эзгулиги етти уруғ-аймоғига етади. Бунинг учун улар фарзанд-ларининг кўз ўнгида шахсий намуна, ибрат кўрсатишлари керак бўлади».

Шуларни қайта-қайта ўқиганим сари изтиробим ортаверади: агар кизингизни «хою-ҳавас, жоҳиллик қурбони қилмоқчи бўлсангиз асло «ОНА»ман деманг! Чунки ОНАлик бу қатта масъулият, чексиз жасорат ҳамдир...

ЗЕБИ-Ю, ШАРОФАТЛАР...

Шундоқ ҳам алғов-далғовли дунё соат сайин янгидан-янги ўзгаришларга юз тутаяпти. Инқироз, глобаллашаётган табиий оғбатлар, иқтисодий, иж-тимой соҳадаги депси-нишлар қадриятларнинг қадрсизланиши натижасида бутун бошли авлодларнинг бой берилаётгани, шубҳасиз, анчайин ҳавотирли кечаяпти. Ҳатто ривожланган мамла-катлар ҳам ана шундай бир пайтда қутилган ва қутил-маган исканжалар гирдобига тушиб қолмасликнинг ягона йўли интеллектуал салоҳиятли

авлодни шакллантириш дея-ётган бир пайтда айрим она-ларимиз гўдақ кизалоқининг бармоғига унаштирув узугини тақишяпти. Шу йўл билан эса кизнинг ҳам, ўғилнинг ҳам орзу-ҳавасларини ер билан яқсон қилишяпти.

Ҳа, чиндан ҳам аксарият ҳолларда ўз қизи ёҳуд ўғлининг раёйига қарашини оналик ёки оталик учун ор деб билган икки қуданинг кўзлари бити-тагина мақсад билан ёняпти: ОРЗУ-ҲАВАС кўриш...

Ҳар қанча исён қилмасин, ота-она измида юришга мажбур бўлган кизнинг йнғидан қизарган кўзларига қарайман. Беихтиёр шу-римда Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз»идаги Зеби, «Қор қўйнида лола»даги Шарофат жонланади. Шу китобларни ўқитганимда бир аср аввалги даврда яшамганимга шукру-лар қилганимди. Афсус...

Тўғри, беш қўл баробар эмас. Замонавий қараш ва ёндашувлар, қадрият ва миллий урф-одатлар ўз ку-чини йўқотмаган ҳудудларда бундай ҳолатлар нисбатан кам. Аммо қимлардир оила қуриб, севиб-севилиб, Ярат-гандан биргина фарзанд сўраб илтижолар қилаётган, ўша фарзанднинг дунёга ке-лишини узоқ йиллар кутиб, сўнг уларга меҳр-муҳаббат улашаётган мўътабар она-ларимиз бисёр. Аммо аччиқ ҳақиқат шундаки, ана шун-дай бир пайтда қаердадир нимжон ва касалманд бола-нинг дунёга келиши, гарчи бу ҳол бир марта такрорлан-ган бўлса ҳам биз учун КўП саналиши керак!

Бугун хотин-қизларнинг ҳақ-хуқук ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг илм олиши, касб-хунар эгаллаши Давлат раҳбарининг диққат маркази-даги масалага айланган бир пайтда вояга етмаган кизини унаштириш учун ким бўлиш керак: бағритошми ёки...

Махбуба КАРИМОВА,
журналист

ҚАССОБ СЎЙСИН САВИЯСИЗ СЕРИАЛЛАР УЧУН ЖАВОБГАР ЭМАС!

қадриятларга таянган миллий контент йўқлиги қайд этилган. Ушбу йўналишда биргина 2024 йилда Агентлик томонидан 28 та анимацион фильм ишлаб чиқаришга туширилди. Айни пайтда телеканаллар орқали «Буюк Ипак йўли саргузаштлари» туркумидаги «Широқ афсона-си», «Спитамен» номли тарихий мавзудаги анимацион фильмлар, «Шум боланинг саргузаштлари», «Мусбатой ва Манғиёбек» мульт-сериаллари томошабинлар эъти-борига ҳавола қилиб келинмоқда.

Кейинги йилларда давлати-миз томонидан алоҳида эътибор қаратилаётгани боис миллий кино санъатимизнинг қиёфаси бутун-лай ўзгарди. Биргина мисол: яқин-яқингача ташланларда ахволда хувиуллаб ётган «Ўзбекфильм» киностудияси қисқа вақт ичида замонавий қиёфага келтирилиб, замонавий технологиялар би-лан жиҳозланиши натижасида Марказий Осиёдаги энг йирик кино ишлаб чиқарувчи марказга айланди. Ҳозир бу ерда ижодий жараёнлар авжида. Ишонмасангиз ўзингиз бир бориб кўринг.

Умуман, 2021–2024 йиллар давомида Кинематография агент-лиги томонидан яратилган 609 та киномахсулотнинг 77 таси бадий фильм бўлиб ушбу киноасарлар 69 та халқроқ кинофестивал-нинг мукофотларига сазовор бўлган. Шуларнинг 10 тасини Гран-При яъни бош совринлар ташкил қилади. Бу даврда яра-тилган «Баҳодир Ялангтўш», «Фариданинг икки минг қўшиги», «Илҳак» «Ўзбек қизи» фильм-лари нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки узоқ-яқин хо-рижий мамлакатларда ҳам тилга тушиб улгурди.

Шунга яраша, бугун нуфузли халқроқ анжуманларда ҳурмат-иззат билан давраларнинг тўрига ўтказилаётган «калтафаҳм» кино-чиқариш, минг афсус, ўзимизда ҳамон ўринсиз таъна-маломатлар-дан қутулолмай, «емаган сомсаси-га пул тўлаб» юрибди.

Қайсидир хусусий телека-налда савиясиз сериал намойиш этилса ҳам улар айбдор, ижти-моий тармоқларда бирон бемаза давха ёйилса ҳам албатта киночи балоғардон! Бу кетишда эрта-бир кун кимнингдир сигири чала туққани ёҳуд ёзининг қилласида ёмғир ёққани учун ҳам киночи-ларни айбласалар ажабланмай-

миз. Тўғри-да, биз тўлаётган солиқларни еб ётган бу қавм гар-данидаги гуноҳи қабираларнинг санаб адоғига етиб бўлмайди. Уларнинг айбу нуксонлари ер юзидаги қум ва чанг зарралари-дан ҳам мўроқ...

Одамни аянам таажжубга соладигани, айрим шоввоз-лар миллий киноларимизни кўрмасдан интернету ижтимоий тармоқларда қарсиллатиб танқид қилиб ётишибди. Бир гал шундай «қалами ўтқир кино-танқидчи»га юқоридаги саволини берган эдик, «Кўрмасам ҳам биламан, кинола-рининг ҳаммаси «копейка», мана, Ватан ҳақида, ватанпарварлик ҳақида «достойний» кино олоп-маъпанлар», деди ишонч билан.

Бундай «маънилли» хулоса-га нима деб жавоб беришни билмай елка қисдик. Ўзимизча «Отамдан қолган далалар», «Ватан», «Кўрғошин», «Берлин – Оксўргон», «Ўтов», «Илҳак», «Матонат», «Халқ жасорати», «101», «Тутқунлик», «Тинчлик ортида», «Ҳаёт», «Ватан остонаси», «Элпарвар» ва яна қанча фильмлар Ватан ҳақида, ватанпарварлик ҳақида бўлмай, нима ҳақида! деб эътироз билдирмоқчи ҳам бўлди. Беихтиёр «Ватан», «Кўрғошин», «Берлин – Оксўргон» фильмларимиз ижтимоий тармоқлардаги Марказий Осиё сегменти томонидан энг кўп кидириладиган фильмлар қаторида туриши ёдимизга тушди. Шу гапларни унга айтмоқчи бўлди, лекин журъат қилолмадик. Чунки танқидчиларнинг буларга ҳам «дос-тойный ответ»и бор!

«Еса ҳам, емаса ҳам бўрининг озги қон» дейишган, начора...

Албатта, бу билан биз кино соҳасини танқид қилмаслик керак, демокчи эмасмиз. Танқид албатта керак, хатто бу соҳанинг ривожи учун сув ва ҳаводек зар-рур! Фақат ҳолис, адолатли ва энг муҳими, чуқур таҳлилларга асосланган савияли танқид керак! Кино санъатининг мураккаб қонунияти ва хусусиятларидан беҳабар, таъбир жоиз бўлса, бу соҳада алифни қалтақдан ажратолмайдиган баъзи «кино-танқидчилар»нинг эҳтирос ва жазавага эрк бериб, тошу мало-матлар ёғдиргани билан ҳеч нарса ўзгариб қолмайди.

Келин, яна «Миллий тикла-ниш» газетасида эълон қилинган танқидий мақолага қайтайлик. Ҳурматли муаллиф, агар сир

бўлмаса, охириги марта қачон театрга ёки кино премьералари-га тушгансиз? Саволимиз учун маъзур тутинг! Сўраганимизнинг боиси, аслида журналист ўзи қўл урган мавзуни чуқуրроқ ўрганиши, мақоласи бирёқлама бўлиб қолмаслиги учун киношу-нос, танқидчи ва драматург каби соҳа вакилларининг ҳам фикрини олиши керак эмасми? Хўп, буниси ҳам майли, нега ўзингиз санаган муаммоларга бирон ечим таклиф этмайсиз?

Ишончимиз қомил, агар сиз драматургия ёки сценарийнавис-ликдан хабардор бўлганингизда албатта бу қадар ҳиссиётга бе-рилмас эдингиз. Боиси, сиз тилга олган сериал яратувчиларига «Тахтлар ўйини», «Муҳташам юз йил» каби бетакрор сериаллар-га асос бўладиган сценарийлар керак эмас! Уларга имкони бўлса воқеалар битта хонанинг ичи-дан чиқмагани маъкул. Чунки

шунда сериали камҳарж бўлади. Хўш, тўрт деворнинг ичида кечадиган воқеалар билан томо-шабинни қандай тутиб туриш мумкин? Ўйлайманки, бу саволга ўзингизда жавоб бор.

Яна бир гап, сиз намуна си-фатида тилга олган хинд фильм-ларида ҳам ноқонз саҳналар, ёлгончилик, ўғрилик ва бошқа нуксонлар билан боғлиқ ҳолатлар истаганча топилади. Ишонмасан-гиз, қайтадан кўринг.

Шунингдек, мақолада бир қатор актёрларнинг исм-шарифи зикр этилиб, уларга арзирли роль берилмаётгани, қолаверса, яхши сценарийлар ғаладонларда сакланаётгани иддоа қилинган. Бирок бу маълумотлар жуда умум-ий ва маъхум. Бундан ташқари, материалда муаллиф журналистик этикадан четланиб, санъат аҳли ва соҳанинг масъул мутасаддиларини «калтафаҳм»ликда айблайди. Шу ўринда муаллиф ва таҳририятга

эслатиб ўтамизки, бировлар-нинг суратини асоссиз равишда танқидий мақолаларга илова сифатида газета саҳифаларида чоп этиш, ёки қимларнингдир шаъни, кадр-қиммати ва обрўсига путур етказувчи, тасдиқланмаган маълумотларни оммавий ахборот воситаларида тарқатиш Фуқаролик кодекси ва бошқа ҳуқуқий норма-лар бўйича жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин.

Шу ўринда минг истиҳола билан таъкидлашга мажбур бўлмоқдамиз. Зеро, андишанинг номи кўроққ қўйилмоқда. I ўёки кино соҳаси жар ёқасида, му-тасаддилар томошабин бўлиб ўтирибди, деган мазмундаги бирёқлама фикрларни овоза қилиш учун аввало, миллий кино санъатимизда кечаётган жараён-лардан чуқуրроқ хабардор бўлиш, сериал ва бадий фильмларнинг ишлаб чиқарувчисини ажратиб олиш лозим. Биз соҳани ҳолис ва

адолатли танқид қилишни иста-ган қаламқашларни қадрлаймиз. Чунки соғлом танқиддан энг аввало, кино санъати наф кўради. Шунинг учун уларни Кинемато-графия агентлигида кечаётган ижодий жараёнлар билан таниш-тиришга тайёрмиз. Шу ўринда яна бир маълумот, Кинематография агентлиги шу йилнинг март ойи-нинг бошидан 2024 йилда ишлаб чиқарилган янги фильмларнинг очик намойишларини ўтказиш режалаштирилган. Ижтимоий тармоқлар орқали эълон ҳам қилинади. Миллий киноимзин севганларин, адолатли танқид қилиш пайидан бўлганларни, соҳа жонқуярларини ва барча кино-мухлисларини очик намойишларга таклиф этиб қоламиз.

Жўрабек РЎЗМЕТОВ,
Кинематография агентлиги
кинолойиҳалар билан ишлаш
бошқармаси бошлиғи.

Таҳририятдан:

“Чумчук сўйса ҳам қассоб сўйсин” ёҳуд кинематография агентлиги савиясиз сериаллар учун жавобгар эмас”лиги таъкидланган жавоб хатидаги мисоллар, шубҳасиз, агент-лик фаолиятидаги жонланишлардан дарак беради. Бу яхши, албатта. Аммо аччиқ ҳақиқат шундаки, кейинги йилларда ўзбек киноси жамиятга эзгулик тарқатиш, ёшларни қадриятлар асосида она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга доир асосий вазифасини номигагина бажаряпти, ҳолос.

Нега шундай деган саволга эса аксарият телеканалла-римиз намойиш қилаётган фильмларни томоша қилиб, жўяли жавоб топиш мумкин. Жавоб хатида газетادا эълон қилинган мақола ғирт тухматдан иборат дейил-мабди, ҳолос. Тўғри, мақолада миллий сериалларнинг сифати, мазмунини ҳақида кўп гапирилган, хинд кинола-ридан ҳар қанча ўргансак арзийди, деган фикрлар кўп ёзилган. Ва, ана шу фикрларни яна бир бор такрорлаш-га ҳам тайёрмиз.

Эътибор беринг: жавоб хатида гарчи агентлик сериаллар намойиши учун бир нечта телеканалларга маблағ ажрат-ган бўлса-да, уларнинг сифатига жавоб бермаслиги таъ-кидланибди. Қизик эмасми, агентлик пул тўласая, маз-муни, сифати билан иши бўлмаса? Тўғри, кейинги пайт-ларда мазмунли кинолар, болалар учун мультфильмлар олинаяпти. Бунинг учун ижодкорлардан ҳам, агентлик мутасаддиларидан ҳам миннатдормиз. Аммо нега ҳануз телеканалларимиз хинд, хитой ва Европа кинолари билан тўлиб-тошиб ётибди. Нега фарзандларимизни “Маша ва маймоқ” каби ёки бўлмаса ғарбининг болалар онги остига таъсир қилувчи мультфильмлари тарбияляпти?

Ижтимоий тармоқ, телеканаллар эрталабдан ярим тун-гача ана шундай медиа махсулотлар билан тўла. Хўп, агентлик хатида ёзилганидек, сериаллар сифатига жавоб бермас экан, унда қимдан сўрасин томошабин? Нега оддий одамлар халигача ўзбек миллий кинолари деганда “Ёр-ёр”ни, “Маҳаллада дув-дув ган”у, “Ўткан қунар”ни билади, ҳолос. Нега жавоб хатида тилга олин-ган ва мақталган кинолар бору, аммо телеканалларимиз-да кўрсатилмаяпти? Балки бунинг бошқа, биз билмаган сабаблари бордир?

Агар жавоб хатида ёзилганидек, агентлик чиндан ҳам ўз буюртмасига биноан суратга олинажак медиа махсулотларда бачканалик, ҳаёсизлик ва зўравонлик ҳолатларига йўл қўймаслик талабини қўяр экан, унда биз кўраётган ажабтовур сериаллар ва улардаги яланғоч саҳналар қаердан пайдо бўляпти? Ахир хатда маълум қилинганидек, “ZO’R” TVга 40 қисмли “Ойдин”, 60 қисмли “Оққушлар”, “Renessans” телаканалига 60 қисмли “Пирамида” сериаллари учун агентлик пул тўлайдику! Хуллас саволлар кўп. Шунинг учун ҳам “Миллий тикла-ниш” агентлик таклифини бажонидил қабул қилиб, яна бир таҳлилий мақола тайёрлашга қарор қилди. Дарвоқе, бу Кинематография агентлиги фаолиятини танқид ва таҳлил остига олган биринчи мақоламиз эмас. Аввал ҳам агентлик ҳар қандай савол ва маълумотлар учун очик эканини айт-ган, аммо маълумотлар олиш қийин кечганди. Ажабмас, балки бу сафар агентлик ваъда берганидек, барча маълумотларни тақдим этса, ўзимизни ҳам, ҳазрати томоша-бинини ҳам қизиктираётган саволларимизга жавоб олсак!



ТУПОЛОНЧИ ТЕПУТАТ

Кўчанинг белгиланмаган жойидан кесиб ўтиб, хайдовчиларнинг “олқиши”га сазовор бўлиб турсам, ёнимга бир автомашина келиб тўхтади. – Ўтиринг, ишхонагами, – таниш овоздан сергакланиб, салон ичига қарасам, партия вилоят кенгашида депутатлар билан ишловчи гуруҳ раҳбари Муродхон Отахонов жилмайиб турибди... Муродхонни анчадан бери танийман. Роса куйди-пишди кадр. Бир қарасанг, у туманда, бир қарасанг бу шаҳарда юради. Юзага келган муаммоларни илжои борича жойида ҳал қилиб қўя қолади. Тўғриси, масала ўз ечимини топмагунча тинчимайди, ўзгаларгаям тиним бермайди.

– Мирзаобод туманидан келяпман, – ҳол-аҳвол сўрашгач, гап бошлади у. –Хабарингиз бор, маҳаллий кенгашларга жами 46 нафар депутатимиз сайланганди. Шунинг 7 нафари вилоят кенгаши, 39 нафари эса туман, шаҳар кенгашлари депутати. Биласиз, Мирзаободда битта тўполончи депутат бор. Уша опа билан яна маҳалла кездик. Одамлар билан гаплашдик. Опа ҳаммани эшитиб, дарду ташвишларини эринмай ёзиб олди. Айниқса, маҳаллаларга бириктирилган, лекин ойда-йилдаям қорасини кўрсатмай, халқдан қочиб юрган баъзи раҳбарларнинг исм-шарифларини ён дафтарига алоҳида белгилаб қўйди. Энди туман кенгашининг навбатдаги сессиясида ўша жанобларнинг ҳолига маймунлар йиғлайди. Мирзаободлик баъзи «каттакон»ларнинг айтишича, тўполончи опанинг яна қайта сайланиши туманда хотиржамликка буткул барҳам берилганлигининг белгиси эмиш.

Отахоновнинг гапи ўзига наша қилиб қулиб юборди-да, сўнгра, баландроқ оҳангда қўшиб қўйди:

– Хуллас «ўртага чиқкан» 19 та муаммонинг 7 тасини жойида ҳал қилиб келяпмиз. Сухбатдошмни гапларини эшита туриб, мирзаободлик тўполончи депутат Ҳикоят Амонбоевани эсладим. Кўринишидан оғир, босик, ўта мулоҳазали бироқ... бироқ одамларни ўйлантираётган муаммоларни кўрган ё эшитганда қони қайнаб, унинг «иждоркорлию-сабабчи»ларини кўча-қуйдами, ишхонадами ёхуд бирон бир йиғилишдами юзинг-кўзинг демай, роса савалайди. 2020 йили у тумандаги 5-Дехқонобод сайлов округидан сайланган бўлса, бу гал 11-Янги Тошкент сайлов округидан номзодини қўйди. Шу тариқа мирзаободликлар опани «қўйиб юборишмади»...

Ҳ.Амонбоева 1969 йилнинг 22 апрелида Мирзаободда туғилган. 1990 йилда Сирдарё давлат педагогика олийгоҳини битириб, Боёвут туманидаги 23-умумтаълим мактабида биология фанидан дарс бера бошлади. 2001-2018 йилларда

Гулистон шаҳридаги 9-умумтаълим, 2018 йилдан 2024 йилгача Мирзаобод туманидаги 21-умумтаълим мактабида директор, худди шу йилдан бошлаб Халқ депутатлари туман Кенгашида қотибят муҳри лавозимида меҳнат қилиб келмоқда. Онлани, 2 нафар фарзанди бор.

Ҳа, дарвоқе, 2021 йили унинг 34 йиллик педагогик фаолияти, заҳматли меҳнатлари қадрланиб, «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги» эсдалик нишони берилди...

Унинг камтарингина таржimai холи шундан иборат. Опанинг бадий адабиётга, санъат ва шеърятга айрича меҳри борлиги ҳам мени хайратга солади. Айниқса, жаҳон адабиёти ва шеърят намояндалари ҳақида гап кетгудек бўлса, Ҳикоят Абдуразақовнинг яйраб сўзлашларидан, ёниб шёър ўқишларидан кўп бора завқланганман.

Тумандаги эҳтиёжманд оила вакилларини «Темир дафтар»га киритиш, партиянинг «Ўйма-уй», «Депутатнинг бир кун» каби лойиҳаларида ҳам мунтазам иштирок этиш, ҳазрати фуқаронинг дардига уззукун қулоқ тутиб... яна китоб мутолаасига вақт топа билиш бутун ҳамма раҳбарнинг ҳам қўлидан келавермайди...

– АҚШнинг собиқ президенти Барак Обама Оқ уйда ўтирволиб, дунё ташвиши билан шуғулланган бўлсаям, ҳар куни 2 соат вақтини китобга ажратган экан – дейди опа куйиниб. – Биласизми, ўқимаслик фикрсизликка олиб боради. Фикр-мулоҳаза қилмайдиган одамни эса ҳар қайска етакла-санг кетаверади. Шу офатдан эҳтиёт бўлишимиз шарт!

Охирги марта депутат билан суҳбатлашганим... очиги, ўша гурунгда билиб-билмай унинг «ярасига туз сеппи» қўйганимни эсладим. Бу суҳбатга хали унча кўп бўлгани йўқ... Гапнинг очиги мен унинг фаолияти ҳақида ёзмокчи эдим, лекин ўша «туз» туфайли мавзу бутунлай ўзгариб кетганди...

–«Ҳар ким ўз юмушини бажарса, олам-гулистон. Сартарошни сувочки қилиб қўйсангиз деворга совун кўпиғи суртади. Этиқдўзни сартарош қилсангиз, одам-

ЁХУД МИРЗАОБОДДА ХОТИРЖАМЛИКНИНГ БУТКУЛ БЕКОР ҚИЛИНГАНЛИГИ ХУСУСИДА

нинг бошига миҳ қоқади». Бу ўзбекнинг улуг адиби Ўткир Ҳошимовнинг бебаҳо фикрлари – дея гап бошлаганди, ўшанда опа. – Сезилсизми, айни кунларда деворга кўпик суртадиганлару одамнинг бошига миҳ қоқишга шайланган «устаю устазодалар» ижтимоий тармоқлару телевидениеда ёмон қовуннинг уруғидек кўпайиб кетди. Бўлмаса телевидениеда китобхонлиқни тарғиб этувчи республика миқёсидаги танловга қизикчилару раққосалар бошловчилик қилишмасди. Энг ёмонни, ўша «бошловчи»ларнинг ўзлари ақалли битта китобни умри давомида ўқиб охирига етказишганикан?

Ўзини қўшиқчи санаётганларга келсак, рости гап уларнинг жуда кўпчилиги 3 минг йиллик тарихга эга бўлган миллиятимизнинг тилини тап тортмай ҳақорат қилишгача бориб етишди:

Исминг сенинг Наташадур, Красавица деб аташадур, Мини юбка ярашадур, Сени севсам мижнаму?

Қани айтинг, буни қўшиқ деб аташ мумкинми?! Афсуски, бу каби «мағзава хониш»лар ҳар куни телевидение каналларида «адашган ит каби айланиб юрибди».

Мен ўзбек матбуотининг дарғалари – Иброҳим Ғафуровлару Аҳмаджон Мелибоевни, Ҳаким Сатторий ёки Хусан Эрматовларни кўрмаганман, улар билан ҳамсуҳбат ҳам бўлмаганман. Лекин уларнинг мақолаларини излаб топаман. Мана эшиттинг, – опа асабий ҳолатда ён дафтарини титқилаб, керакли варақни топади-да ўқий бошлайди: – «Маза-матрасиз тўқима сериаллар туфайли тилимизга сохта сўз, ибора ва айтимлар шовуллаб қириб келмоқда. Бу жараён шу тарзда

давом этаверса, тил деб аталмиш бебаҳо бойлик бора-бора қоришиқ бўтқага айланиб кетади». Бу А.Мелибоевнинг оташин фикрлари.

«Бугунги ёшлар нимага кўпроқ қизикмоқда? Миллионлаб томошабин «топган» «Кўк жигули» каби лойиҳалар аслида бизни сергакликка, соҳадаги мутасаддилар ва раҳбарларни инсофга ундаши керак эмасми?! Санъатнинг тирикчилик индустриясига айланишида томошабин бўлиб турган вазирликдан рози бўлиш мумкинми?! Саволлар кўп... Сирасини айтганда, буюк аждодларимиздан бой ва жудаям қимматли баъзи ўринларда дунёнинг бўйи етмай қоладиган мерос қолган. Биздан кейинги авлодга у қандай етиб боради?! Етиб борадими ўзи?! Биз бу борада қачон ўйлаймиз?! Бизни масаланинг шу жиҳатлари безовта қилиши зарур!»

Бу фикрлар Хусан Эрматовга тегишли бўлиб, англашимча, журналист санъатфурушларнинг қилиқларидан жони халқумига келиб, шу йўсинда чикиш қилган.

Турсунбой, Турсунбой, юрагимдан олдинг жой, Рости чидамай кетяпман, айтқолгин қачон тўй?

Бу «хонишча»ни яқинда телевидениеда бир ўзбек қизча сакраб-сакраб ижро этди. Энди тушунаётгандирсиз, менинг нега жазганак бўлаётганим, соҳа фидойиларининг марказий матбуотда бўғилиб мақола эълон қилаётганлиқларининг сабабини.

Яна бир гап, ўтган йилнинг ноябрь ойи бошларида Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан «Маънавий экспертиза» жорий этилиши эълон қилинганида, гапнинг очиги, мен ҳам хурсанд бўлгандим. Негаки, юқоридаги каби алаҳсирашлару, алмойи-

жалмойи, миллатга инсод келтирувчи, телевидение ва медиамаконда безбетларча намойиш этилаётган бу каби «қўшиқ»лару, сериаллар, кинофильмлар мазкур экспертиза туфайли тартибга солинар, дея умид қилгандик. Бироқ республика Адлия вазирлигидагилар буни цензура деб баҳолашиб, марказ ташаббусини йўққа чиқаришибди. Янаям аниқроқ айтганда яқинда «Миллий тикланиш» газетасида эълон қилинган Умид Арслонбековнинг «Нега миллий кино санъати мутасаддилари томошабинликдан нарига ўтишолмаяпти?» мақоласида қатъий таъкидланганидек, улугвор ташаббус «туғилдию-бўғилди».

Тасаввур қилинг, ўзбек қизи «чидамай кетяпман, қачон тўй бўлади» деб «нолаю фгон» қилиб турса... бундай ҳаёсизликларни тартибга солишнинг нимаси ёмон ахир?!

Адлия вазирлиги мутасаддилари шулар ҳақида бир ўйлаб кўришса, ёмон бўлмасди. Қолаверса, баъзи лоббичилар ҳам бу ҳаракатни цензура – ўзбек маданияти-ю, санъати, қўшиқчилиги ривожига қўйилган тўсиқ дея аюханнос солишди, солишмоқда. Лекин ўз миллиятини қадрлаган ватанпарвар, ҳушёр, онгли одамнинг ҳеч бири бу экспертиза фаолиятига қарши чиқмади. Ақсинча унинг худлик билан иш бошлаб, телевидение ва медиамаконда тартиб ўрнатишига умид боғлаганди. Аммо... лекин... бироқ...

Опа қуюнчақлик билан сўзлайверади. Эътибор бериб қарасам, қалингина дафтарда яна бир талай битиклар бор. Аниқ сездим, уларда ҳам қанчадан-қанча сайловчининг муаммоси мужассам...

Абдуғаффор ОЧИЛОВ,
«Миллий тикланиш»
мухбири

Миллий кадриятлар болалар нигоҳида



Андижонда “Миллий кадриятлар болалар нигоҳида” мавзусида иншо ва расмлар танлови ўтказилди. Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси, Ўзбекистон болалар ташкилоти Андижон вилояти бўлими томонидан ўтказилган танловларда вилоятдаги ихтисослаштирилган ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этиб, ўзларининг билим, иқтидор ҳамда салоҳиятларини синовдан ўтказди.

– Миллий кадрият ва урф-одатларимизни ўқувчилар ўртасида кенг тарғиб этиш, шу орқали уларнинг қалбида тарихимизга ҳурмат, ватанпарварлик туйғуларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган танловларда ўқувчи ёшлар фаол иштирок этди, – дейди Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси Матбуот хизмати раҳбари Назирахон Убайдуллаева. – Қолаверса, танловлар ўқувчиларнинг мавзу доирасидаги билим ва маҳоратини намоён этишларига хизмат қилди. Танловнинг яқиний натижаларига кўра, расм йўналиши бўйича Андижон шаҳар ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқувчиси Гулираёно Солижонова биринчи ўринга, Олтинқўл туманидаги 42-умумтаълим мактаби ўқувчиси Умида Азизжонова иккинчи, Андижон туманидаги 54-умумтаълим мактаби ўқувчиси Севара Муталипова учинчи ўринга сазовор бўлди.

Иншо йўналиши бўйича ўзининг ижодий иши билан Балиқчи туманидаги 40-умумтаълим мактаби ўқувчиси Сабина Умматалиева биринчи, Қўрғонтепа туманидаги 50- умумтаълим мактаби ўқувчиси Дилдора Қаринова иккинчи ва Андижон туманидаги 54-умумтаълим мактаби ўқувчиси Исламбек Солиев учинчи ўринни қўлга киритди. Ғолиб ва совриндорлар танлов ташкилотчилари томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА

✓ Кутинг!

ЎЗБЕКИСТОН ВА СЕҲРЛИ ЎЛКА ҲАМКОРЛИГИ

Келгуси сонларда



Шерзод ҚУЛМАТОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати

«Озд Бухоро» газетасининг 1923 йил 19 октябрдаги сониди «Туркистоннинг машхур жамоат ходимларидан Бехбудийнинг исмини умрбод (абადий) қолдирмоқ учун Бухоро Республикаси курултойи Қарши вилоятини Бехбудий вилояти деб исламакка қарор берди», деб хабар беради.

Бехбудаи ҚАЙТДИ...

Умуман, биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинамиз канча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишган солаётган жуза кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойлиқни канча фоол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётини қадрини англаб етасиз», деган гапларини эсладим. Туркистон жадидчилик ҳаракатининг отаи саналган Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 150 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги қарор яна бир бор Янги Ўзбекистон ислохотларининг ортга қайтмаслиги ва уларида тарихга холис муносабат масаласида сиёсий прода кўрсатилаетганининг ифодаси бўлди.

Тарихий ҳужжатда Бехбудий фаолиятини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш, мутафаккир адибнинг «Танланган асарлар» тўплами, унинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган илмий-оммабоп китоблари нашрга таъйёрлаш ва чоп этиш, Махмудхўжа Бехбудий ҳақида спектакллар сахналаштириш ҳамда бугунги кунга қадар яратилган «Махмудхўжа Бехбудий» киносериали ва «Халқ юраги» номли бадий-публицистик фильмларининг оммавий намойишларини ташкил қилиш, энг асосийси, умумий ўрта таълим муассасалари, ижод мактаблари ўқувчилари, «Темурбеклар мактаблари» курсантлари ҳамда олий таълим муассасалари талабалари ўртасида «Махмудхўжа Бехбудий сабоқлари» мавзусида ишлоллар танловини ўтказиш каби тадбирлар аниқ-тиниқ белгилан берилди.

Маълумки, Махмудхўжа Бехбудий тарихининзининг гоят оғир ва мураккаб бир даврида яшади. Ўлкамизни босиб олган Россия империяси узок йиллар зўр бериб, уни тургун ва тутқун саклашга уринаётган бир шарондта Ватанин бутунлай йўк бўлишдан саклаб қолиш, авлодларни озодлик ва мустакиллик руҳида тарбиялаш, маърифат ва тараққиётга бошлаш Махмудхўжа Бехбудий ва унинг издошлари зиммасига тушганди. Улар Туркистонда «Усули жаҳид», «Усули савтия» номлари билан шуҳрат топган янги мактабларни очиб, ўқитиш тизимини ислох қилдилар. Хусусий мактаблар очиб, болаларга диний фанлар билан бирга аник ва табиий фанларни ўқитдилар, шешъ ва мақолалари ҳамда саҳна асарлари орқали миллий онгини шакллантириш, миллий гурур ва ифтихор туғулларини сингдиришга уриндилар.

1903 йил аллома ташаббус билан шогирдлари Сиддикий Ажзий Ҳалвойи, Абдуқодир Шакурӣ Ражабамин кишлоғида, Ҳожи Муин Ҳужа Нисбатдор маҳалласида жадид мактабларини очинди. Бехбудий мактаблар фаолиятини ташкил этиш билан бирга, улар учун «Рисолаи асбоби савод» (1904), «Рисолаи жуғрофияи умумийи» (1905), «Рисолаи жуғрофийойи Русий» (1905), «Китобат ул-афғол» (1908), «Амалиётӣ ислом» (1908), «Тарихи ислом» (1909) каби дарслик ва қўлланмалар ёзди.

1908 йилда эса
«Қироатхонайи Бехбудия»
(кейинчалик «Бехбудия» номи
билан машҳур бўлган) кутуб-
хонасини очади. Ушбу кутуб-

хона ички навбатда – соат 9 дан 17 гача ва соат 18 дан 24 гача ишлаб, 60 нафардан 110 нафаргача бўлган китобхонларга хизмат кўрсатган. Аллома «Самарканд кутубхона исломиyasi» мақоласида кутубхонада 600 та китоб ва рисола, газета ва журналлар эса ундан ҳам кўп бўлганини ёсади. 1914 йилги сaъхaти давомида Кавказ, Крим, Туркия, Юнонистон, Булгористон, Австрия ва Германиянинг турли шаҳарларида бўлиб, у ерлардан ўз кутубхонаси учун жуда кўп китоб ва рисоалар олиб келди.

Махмудхўжа Бехбудий бу билан чеклиб қолмади. Замон ва дунё воқеалари билан танишиш бориш, миллат ва Ватан ахлоқидан, кундалик ҳаётидан огоҳ бўлиш учун 1913 йилдан матбуот ишларини йўлга қўяди ва шу йилнинг апрелида «Самарқанд» газетаси, август ойидан эса «Ойина» журналинини чиқара бошлайди. 1913 йилнинг 17 сентябрда газетанинг 45-сони чиқкан бўлиб, бир томондан, мустамлақачилар цензураси, иккинчи томондан, етарли маблағ бўлмагани сабаб тўқтатилади.

«Ойна»нинг обуначи-
лари нафақат Туркистон,

АМИРЛИК ДА
НУРИДДИН О
МОВКЕИНИ С
БИЛАН ҲАМ
БЕҲБУДИЙНИ
БОҒЛИҚЛИГИ
«САМАҚАНД
«ЕПИКЛИҚ КО

Шунинг учун ҳам «Ойна» журналы тахририратининг фаолияти мустамлакачилар томонидан доимий назоратда бўлган. Ўзбекистон Миллий архивига Туркистон харбий округининг штаб бошлиғи имзоси билан Самарканд вилоят харбий губернаторига 1914 йил 19 август куни 100-хат юборилган бўлиб, унда Биринчи жаҳон уруши даврида «маҳаллий матбуотда Россия мафъафатига зид мақолалар пайдо бўлиши мумкинлиғи боис» Туркистон харбий цензураси Самарканддаги нашрларни назорат қилиб туришни штаб-капитани Отаевга топширади. «Ойна» журналы тўғримама-кораламасидан кўчирма журнал босмадан чиқишига икки кун қолгунча цензурага юборилиши Бош муҳаррир зиммасига юқлатилади. Махмудхўжа Бехбудий харбий округга чакиртирилиб, унга ушбу «ўта махфий хат» остига «қўдимиз маълумот учун қабул қилдим», дея имзо чектирилади. Шу билан бирга, Туркистон генерал-губернаторлиғи нашри «Туркистон вилоятининг газетида миллий журналда қатъ этилган фикрларга қарши чиқошлар кўпайтирилади. «Ойна» Бош муҳаррири эса уларга муносиб жавоб бериб боради. Аммо журнал фаолиятини чеклаш учун олиб борилган зулм-сиз ҳаракатлар ўз самарасини беради ва 1915 йилга келиб журнал фаолияти бутунлай

тўхтатилади.

Аллома жамият ҳаётидаги иллатлар, нуқсонлар ва илмсизликни сахнада кўрсатиш орқали халқни тарқатишарварликка даъват этиш мақсадида 1914 йили миллий театрға асос солиди. Театр сахнасида ижро этиш учун «Падарқуш» драмасини ёзди. Муаллиф «Миллий фожеа» деб атаган, 3 парда 4 манзарали бу драма ҳажман ихчам, мазмунан ниҳоятда содда ва тугшунарли бўлиб, ўқимаган боланинг бузук йўлларға кириб, ўз отасини ўлдиригани, нондонлик ва ҳаюлат ҳақида эди. «Падарқуш» дастлаб 1914 йилнинг 15 январида Самарқандда, 1914 йилнинг 27 февралда эса Тошкентда сахнаға қўйилган. Ушбу сахна асари Туркистонни жунбушға келтирган қирғинбарот йилларда ҳам сахнадан тушмайди. Бу бир томондан миллатни маърифат ва таракқиёт сари ундаган бўлса, иккинчи томондан росмана ўзбек театри ва драмачилигининг майдонға келиши ҳамда таракқиётга хизмат қилади.

Махмудхўжа Бехбудий
сиёсий жараёнларда ҳам фаол
иштирок этган. Хусусан,
1907 йили 2-Давлат думаси-

лик сисёатини танқид қилиш, ёшларни сиёсий фаоллаштириш ва мактаб ишларини ислох қилиш билан машғул бўлган. Ушбу ташкилот ўз фаолиятини йўлга қўйишда Туркиядаги «Иттиҳод ва тараккий» (1889-1918) ташкилотидан ёрдам сўраган ва 1919 йили Ташкентдан Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев ва Саидносирид Миржалолов, Самарканддан Махмудхўжа Бухбодий, Мардонкул ва Махаммадуллардан иборат махсус вакиллари Туркияга юборган.

Б

Бу делегациянинг яширин топиширик билан Туркистондан чикиб кетишидан ЧК (совет ҳокимиятининг фавқуллода комиссияси) ҳодимлари хабар топгач, Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев Москвада, Саидносир Миржалилов Тифлисте яширинишга мажбур бўлади. Маҳмудхўжа Бехбуди эса Инқилобий фавқуллода ко-

ИШЛАГАН
АТИДА ҲАМ ЎЗ
ОЛЬШЕВИКЛАР
ҒИ МАҲМУДХЎЖА
ИЛАН
МАЙДИ, АЛБАТТА. У
ИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙ,
Я», ДЕБ ЎЙЛАЙДИ.

миссия (ЧК) айғокчилари ёрдамида Шахрисабзга қўлга олинган. Орадан икки ойча ўтиб, Қаршига келтирилиб, зиндонга ташланган. Бир неча кундан сўнг Қарши волиийси Нуриддин Оғалиқ (Нуриддинхўжа Оғалиқ Ахмадхўжа ўғли)нинг буйруғи билан (катлномада амир муҳри бўлмаган) зиндон яқинидаги «пошшолик чорбоғи»га қатл қилинган.

Ана шу даврда Россия Бухоро амирлигини забт этишга жон-жаҳди билан интилаётгани, амирлиқнинг ҳам унга қарши курашга шай эканини ҳисобга олсак, Бухуддийнинг йўқ қилишдан қайси тараф кўпроқ манфаатли эди, деган савол келиб чиқади. Ғирром сийёсатини мустақамлаш учун советларнинг Бухуддий сингари ҳалқ хурматига сазовор қилинларга эҳтиёжи қатта эди. Амирлик эса «Ёш бухороликлар»нинг жиддий қучга айланганини била туриб, Бухуддийдек раҳнамони ўлдиршга ботина олмасди. Шу сабабли қулай имкониятни қутуш керак эди.

Шунинг учун ҳам Махмудхўжа Бехбудийнинг қатл қилингани Самарқандда бир йилдан кейин маълум бўлади. Шундан кейин Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чўлпон, Садриддин Айний ва бошқа шоирлар алломага атаб марсиялар ёзишади.

Кейинчалик Махмудхўжа Бехбудийнинг Самарқандда фаолият юритаётган шогирдлари, сафдош ва маслакдошлари унинг қабрини излаб топиш, қотилларни аниқлаш ҳаракатига тушадилар. Улар «Самарқанд комиссияси»сини тузиб, Қаршига келганларида, бу пайтда ушр-солик нозорати идорасининг бошлиғи бўлиб олган Нуриддин Оғалик уларнинг фаолиятига йўл

қўймайди. Қарши шаҳридаги
ҳукумат аъзолари эса унинг
хоҳиш-иродасига қарши
чиқолмайдилар.

Амрилик даврида юкори мансабда ишлаган Ну-риддин Оғаликнинг совет ҳукуматида ҳам ўз макеини сақлаб қолиши сабаби боль-шевиклар билан ҳамкорликда ўзбекистон улуғи Махмуджўа Бахбудийин йўқ килиб обдор-гани билан боғлиқлигини ҳеч ким инкор этолмайдди, албатта. У «Самарканд комиссиеси» фа-олиятига йўл қўймай, «эпиклик қозон ёпиғлигича қоладди», деб ўйлайди.

Аммо 1923 йилнинг кузига БХСР ҳукумати тағтиш комиссияси Қарши вилояти солиқ идораси фаолиятини текширувдан ўтказди. Комиссия Нуриддин Оғалиқ ҳамда унинг сифдошлари қатта қонунбузарлик ва жиноятга қўл урганларини аниқлайди. Чунончи, Нуриддин Оғалиқ ҳукуматнинг 42 минг пуд бугдойи ва 20 минг олтин қўямасини талон-торож қилганлиқда, меҳнатқашларнинг 1000-2000 тасини ярим оч, ярим тўқ ҳолатда ўз ерларида ишлатганлиқда айбланди. Бундан ташқари, буюқ мутафакир Маҳмудхўжа Бехбудий ҳаётига зомин бўлгани билан боғлиқ жинояти ҳам қўшилиб, суд Нуриддин Оғалиқни отишга ҳукм қилади.

Ҳукм 1923 йилнинг 19 сентябрида Регистон майдонида 5000 аҳоли иштирокида амалга оширилади. Шундан кейин «Бухоро ахбори» газетасида «Бехбудий ва рафиқларининг ўлдирилишига сабаб бўлгон фуқаро ҳукуматининг молига хиёнат қилган мазкур Оғалиқ 19 сентябрда (1923 йил) одил ҳукуматимиз томонидан отилди, демак, Бехбудий ва рафиқларининг ўчалари олинди», деб хабар берилади.

Бухоро ҳукмати Қарши вилояти ижроқўми раиси Жўра Зокирий ҳамда Қарши вилоят фирқуми Назаров зиммасига Маҳмудхўжа Бехбўдий қабрини қидириб топиб, унинг ҳайкалини ўрнатиш вазифасини юклайди. Лекин бу мутасадди шахслар ўзларига юкланган вазифани ундайла олмайдилар. «Озод Бухоро» газетасининг 1923 йил 19 октябрдаги сонида «Туркистоннинг машҳур ҷамоат ҳодимларидан Бехбўдийнинг исмини умриб (абайди) қолдирмоқ учун Бухоро Республикаси културолти Қарши вилоятини Бехбўдий вилояти деб исламлака қарор берди», деб ҳабар беради.

Шу тариха Қарши вилояти 1937 йилга қадар Бехбудий вилояти деб аталиб, 1937 йил бошланган қатагонлар оқибатида вилоятдан аллома номи олиб ташланади. Ўзбекининг барча зиёлилари сингари Маҳмудхўжа Бехбудий ҳам миллат озодлиги ва таракқиёти учун курашгани учун советларнинг қора рўйхатидан ўрин олади.



**Дилноза ЖАМОЛОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
Тарих институти директори
ўринбосари,
тарих фанлари доктори**

Хотин-қизларнинг илм-фандаги фаоллиги ортиб бормокда

**Маълумки, БМТ
Бош Ассамблеяси
томонидан 11 февраль
– Халқаро илм-фан
соҳасидаги хотин-
қизлар куни, деб
белгиланган.**

Шу муносабат билан юртимизда 10-15 февраль кунлари “Илмли аёл – жамият кўзгуси” мавзусида тадбирлар ташкил этилмоқда. Ҳафталикнинг кимё соҳасидаги илк тадбири Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида ўтказилди.

Олимлар, профессор-ўқитувчилар, талабалар, “Ўзбекисаноят” АЖ ва тармоқ корхоналарининг мутахассисларини жамлаган ушбу тадбирда хотин-қизларнинг илм-фан ва кимё соҳасидаги ютуқлари сархисдоқ қилинди.

Шунингдек, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар ҳусусида сўз юритилди.

Панель сессияларида олимпиада аёллар ўз ютуқ ва тажрибалари билан ўртоқлашар экан, хотин-қизларнинг илм-фандаги иштироки, барқарор ривожланиш ва инновациялар жараёнида уларнинг ўрни каби дозарб масалалар муҳокамалар марказида бўлди.

“Ўқимёсановат” АЖ мутахассиси Санобар Абдурахмонованинг қайд этишича, хотин-қизларнинг илм-фандаги иштироки бугунги кунда нафақат уларнинг шахсий ривожланиши, балки жамият тараққиёти учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бизнинг асосий мақсадимиз ёш қизларни илмий изла-нишларга қизиқтириш, уларга мутахассис-лик соҳасида ўқиш ва ривожланиш учун имкониятлар яра-тишга қаратилган. Ҳафталик доирасида ўқитилаётган тад-бирлар ёш авlodга илмий фаолиятида ўз ўрнини топишда қўл келади. Шунингдек, илмий ҳамкорлиқни ривожлантириш ва янги гоъларни илгари суриш учун мустақкам платформа бўлиб хизмат қилади. Бугун-ги учрашувда ҳам аёл олималар ўз ютуқлари билан ўртоқлашди, янги тадқиқотлар ҳақида фикр алмашди. Бу эса келажакда фан тараққиётига муно-сиз хисса қўшадиган аёллар сафини кенгай-тиришга ёрдам беради, — деди у.

Тадбирда “яшил” кимё ва ишлаб чиқариш жа-раёнларидаги инновациялар муҳокамасига ҳам кенг уруғ берилди. Унда ёш олималар ва талабалар ўз тадқиқот натижаларини тақдим этди.

Ҳусусан, биодизелнинг қиёсий таҳлили, ка-тализаторларни қайта ишлаш, глютенсиз маҳсулотлар бозори-даги тенденциялар қаби мавзулар ишти-рокчиларнинг катта қизиқишини ўйғотди. Аҳамиятсиз, ушбу тадбир норасмий мулоқот, тажриба ал-машиш ва янги касбий алоқалар ўрнатиш учун муҳим майдонга айланди.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎЗА



САВОЛ БЕРИНГ!

ЭНДИ АЛИМЕНТНИ ЖАМҒАРМА ТЎЛАЙДИ!

– Фарзандларим хусусий бозчага боради. Эшитишимча, менга даромадимдан солиқ имтиёзи қўлланилиши керак экан, шу ростми? Қобил Шодмонов, Қарши шаҳри

– Ҳа, рост. Фарзандларига нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ёки мактаблар кўрсатадиган таълимга онд хизматлар учун ота-она ҳар бир фарзанд учун тўланадиган ойига 3 миллион сўмгача бўлган тўловлар даромад солигига тортилмайдиган тўловлар ҳисобланиши белгиланган. Шу нормага асосан, Сиз нодавлат боғчага борадиган ҳар бир фарзандингиз учун бир ойда куппи билан 3 млн сўмгача бўлган даромадингизга нисбатан даромад солигидан озод этиласиз.

– “Аёллар дафтари”да рўйхатда турман. Шу билан бирга Олий таълим муассасасида ҳам ўқийман. Шу сабабли контракт пули давлат томонидан тўлаб берилдими? Мадина Анварова, Бухоро вилояти

– Ҳа, фақат тўловнинг маълум қисми тўлаб берилади. Ўзбекистондаги ОТМда тахсил олаётган (таълим шаклидан катъий назар) “Аёллар дафтари”га киритилган эҳтиёжманд хотин-қизлар ёхуд уларнинг Олий таълимда тахсил олаётган икки ва ундан ортик фарзандларининг бир нафарига бир мартаба БҲМнинг 15 бараваригача (5 млн 625 минг сўмгача) тўлов-контрактни тўлаб берилиши мумкинлиги қонунчиликда белгиланган.



Ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб тополмаяпсизми? Қуйдаги телеграм манзилимизга йўлланг. Мутахассислар саволларингизга жавоб қайтаришади.

90 245-18-10

– Собиқ турмуш ўртоғим алиментни вақтида тўламаганлиги сабабли ҳозирда жазо муддатини ўтаяпти. Унинг ўрнига алиментни қим тўлаб беради? Нигора Холикова, Тошкент шаҳри

– Бундай ҳолатда ўша қарзларнинг ҳаммаси алимент тўловлари жамғармасидан бирданига тўлаб берилиши мумкин. Кейинчалик алиментчининг ўзидан ундириладиган алиментлар ушбу жамғарманинг ҳисобига тушаверади.

– Хорижга чиқиш биометрик паспорти қанча муддатга берилади? Шу ҳақда маълумот берсангиз? Ирода Атаханова, Фарғона вилояти

– Хорижга чиқиш биометрик паспорти фуқароларга:

- туғилган кунидан бошлаб бир ёшгача — икки йил муддатга;
- бир ёшдан 25 ёшгача — 5 йил муддатга;
- 25 ёшдан ошган шахсларга — 10 йил муддатга берилади:

Амал қилиш муддати тугаганидан кейин хорижга чиқиш биометрик паспорти маълумотларни йнгиш пунктига топширилади.

– Машинамни қайрилиб олиш жойида тўхтатганим учун менга жарима солишди. Шу тўғрисида? Аҳроржон Абдуқодиров, Тошкент шаҳри

– Ҳа, тўғри. Транспорт воситаларининг қайрилиб олиш жойларида ва унга 30 метр етмасдан ёки ўтиб тўхташ тақиқланади. Ушбу қоидага бўйсунмаган ҳайдовчиларга БҲМнинг икки баравари (750 минг сўм) миқдорида жарима солиниши мумкин.

Саволларга ҳуқуқшунос-адвокат Файзулла АРСЛАНОВ жавоб берди.

– Бола парваришидаги таътил даврининг қанчаси меҳнат стажига қўшилади? Умида Наврўзова, Самарқанд шаҳри

– Болани парваришлаш таътиллари даврида ҳодимнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Бу таътилларнинг кўпи билан 6 йили меҳнат стажига қўшилади. Шу жумладан мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшиб ҳисобланади.

– Менга белгиланган маъмурий жавобгарлик суд томонидан ноқонуний деб топилди. Етказилган зарар тўлаб бериладими ва уни қим тўлайди? Шероз Абдувалиев, Тошкент тумани

– Ҳа. Маъмурий жавобгарликка қонунга ҳилоф равишда тортилганлик натижасида фуқарога етказилган зарар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиққан органнинг (мансабдор шахснинг) айбидан қатъи назар давлат томонидан тўлиқ ҳажмда тўланади. Зарарни қоплаш ҳуқуқи маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш тугатилган тақдирдагина вужудга келади.

ТОПМАДИМ

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим, Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.

Жонимдин ўзга жонни дилафкор кўрмадим, Кўнглум киби кўнгулни гирифтор топмадим.

Усрук кўзига токи кўнгул бўлди мубтало, Ҳаргиз бу телбани яна ҳушёр топмадим.

Ночор фурқати била хўй этмишам, нетай, Чун васлиға ўзумни сазовор топмадим.

Боре борай эшигига бу навбат, эй кўнгул, Нечаки бориб эшигига бор топмадим.

Бобур, ўзунгни ўргатакўр ёрсизки, мен Истаб жаҳонни мунча қилиб ёр топмадим.

КЕЛТУРСА ЮЗ БАЛОНИ ЎШАЛ БЕВАФО МАНГА

Келтурса юз балони ўшал бевафо манга, Келсун агар юзумни эвурсам,бало манга.

Нетгайман ул рафиқ билаким,қилур баса, Меҳру вафо рақибга, жабру жафо санга.

Бегона бўлса ақл мени тилбадин, не тонг, Чун бўлди ул парисифатим ошно манга.

Оху ёшимдин орта дурур заъф, эй табиб, Билдим ярашмас эмди бу обу ҳаво манга.

Дардим кўруб муолажада зоеъ этма умр, Ким,жонда дарди ишқ дурур бедаво манга.

То ёр кимни истару кўнглига қим ёқар, Ташвиш бежиҳат дурур охир санго,манга.

Бобур,бўлб турур икки кўзум йўлида тўрт, Келса не бўлди қошима бир-бир манго манга.

*** Тишинг дур, лабинг маржон, хадинг гул, хатинг райҳон, Юзунг хур, сочинг анбар, сўзунг мул, менгинг мейнон. Мейнон менгинг, сўзинг мул, анбар сочинг, юзунг хур, Райҳон хатинг, хадинг гул, маржон лабинг, тишинг дур.

Тафоҳур кўзум, кўнглум қилурлар магар бордур, Кўзунга кўнгул вола, юзунга кўзум ҳайрон. Ҳайрон кўзум юзунга, вола кўнгул кўзунга, Бордур магар, қилурлар кўнглум, кўзум тафоҳур.

Тафаккур неча қилсам топилмас сенинг мислинг, Парийдек сени кўрдум эмассен маган инсон. Инсон магар эмассен, кўрдум сени парийдек, Мислинг сенинг топилмас қилсам неча тафаккур.

Балодур манга ҳажринг, даводур манга васлинг, Итобинг манга офат, ҳадисинг манга дармон. Дармон манга ҳадисинг, офат манга итобинг, Васлинг манда даводур, ҳажринг манга балодур.

Чу Бобур санга қулдур назар қил анга зинҳор, Топилмас яна бир қул анингдек санга, эй жон. Эй жон санга анингдек, бир қул яна топилмас, Зинҳор анга назар қил, қулдур санга чу Бобур.

*** Ғофил ўлма, эй соқий, гул чоғин ғанимат тут! Вақти айш эмас боқий, ол чоғир, кетур, бот тут! Бу насиҳатим тингла: не бўлур киши ёнгла, Не бўлур экин тонгла, сен бу кун ғанимат тут! Ғофил ўлма давлатта, ўзни солма меҳнатта, Тангри берур албатта, давлат иста, ҳиммат тут! Хуштурур висоли ёр, анда бўлмаса дайёр, Бўлса васл беағёр давлату саодат тут! Ғам черики беҳаддур, чораси будур, Бобур: Бодани кўмак келтур, жомни ҳимоят тут!

РУБОУЙЛАР

Қайғунгни чека-чека қарибдур Бобур, Раҳм айлаки, ўзидин борибдур Бобур. Нораңж юборди сангаким, билмағайсен, Яъники, бу навъ сарғорибдур Бобур.

*** Ҳар қимки вафо қилса, вафо топқисидур, Ҳар қимки жафо қилса, жафо топқисидур, Яхши киши кўрмағай ёмонлиғ ҳаргиз, Ҳар қимки ёмон бўлса, жазо топқисидур.

*** Ёд этмас эмиш кишини меҳнатга киши, Шод этмас эмиш кўнгулни ғурбатга киши. Кўнглум бу ғарибликта шод ўлмади ҳеч, Ғурбатга севунмас эмиш, албатта, киши.

*** Ҳижрон аро ёд этиб мени шод айла, Маҳжур кўнгулни ғамдин озода айла, Бу хатни анинг учун битдим мунда, Кўрган Сойи хатимни, мени ёд айла.

*** Ул хатки, анда сени мен ёд этгаймен, Кўз оқида қошки савод этгаймен, Кифриклардан анга қалам рост қилиб, Кўз қаросидин анга мидод этгаймен.

Ҳафталик об-ҳаво маълумотлари

Kun	Harorat	Tavsif	Yog'in-garchilik
Chorshanba 12 fevral	+6° +3°	bulutli	13%
Payshanba 13 fevral	+11° +4°	bulutli	0%
Juma 14 fevral	+7° +5°	yomg'ir	63%
Shanba 15 fevral	+5° +2°	yomg'ir	100%
Yakshanba 16 fevral	+5° +2°	bulutli	0%
Dushanba 17 fevral	+11° +2°	yomg'ir	20%
Seshanba 18 fevral	+11° +6°	bulutli	0%

Изоҳ сиздан...



Sudoku

		2		5	3	
5	4			8		
1		9	4	8	6	
		5			6	8
		1	6			
8	9		7			
4	5	7	2		1	
		8		4	2	
2	4		5			
		7	8	6		
8	2	6			5	
		4	9	3		
1			3	9		
3	8	7	6			
5	1		7			
7	5	3				
3			7	4	6	
	6	4	1			

«MILLIY TIKLANISH» DEMOKRATIK PARTIYASINING IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETASI

JAMOATCHILIK KENGASHI: Alisher QODIROV – kengash raisi

Akmal SAIDOV, Abror PO‘LATOV, Amriddin BERDIMURODOV, Akmal JUMABOYEV, Bahodir MAMATXONOV, Ilhom ABDULLAYEV, Ibrohim G‘OFUROV, Iroda DADAJONOVA, Minhojiddin MIRZO, Nuriyman ABULXASAN,

Odiljon TOJIYEV, Olim O‘SAROV, Otabek JIYANBOYEV, Ozodbek NAZARBEKOV, Ortigali QOZOQOV, To‘lqin TESHABOYEV, Feruza MUHAMMEDJANOVA, Xurshid DO‘STMUHAMMAD, Sherzodxon QUDRATXO‘JA, Shuxratjon AXUNDJANOV.

Bosh muharrir: Mirodil ABDURAHMONOV

Adadi – 3 060.

TAHRIRIYAT MANZILI:

Toshkent shahri, Uchtepa tumani, Maqsdul Shayxzoda ko‘chasi, 1 A-uy. Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farq qilishi mumkin.

Gazetada Internet ma’lumotlari va suratlaridan foydalanildi.

Tahririyatga kelgan xatlar doimiy e’tiborimizda bo‘lib, ular mualliflarga qaytarilmaydi.

NAVBATCHI MUHARRIRLAR: Abduq‘affor OMONBOYEV, Mahbuba KARIMOVA NASHR UCHUN MAS’UL: Ma’murjon YO‘LDOSHEV NAVBATCHI: Feruza XODJAYEVA DIZAYN GURUHI: Asilbek QUDRATOV, Firdavs HAMIDULLAYEV Miklan MARS

Elektron pochta: mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

Gazeta «Sharq» nashriyoti-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko‘chasi, 41-uy

2008-yil 29-oktyabrda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan № 0223 raqami bilan ro‘yxatdan o‘tgan. Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi.

Gazetaning bahosi kelishilgan narxda. Qog‘oz bichimi: 350x587. Hajmi: 4 bosma taboq Buyurtma: G – 121 Bosishga topshirish vaqti 21:00. Topshirildi 1:20

Telefonlar: +998 97 755-10-11, +998 97 423 32 68

ISSN 2010-7714

123456